Кейинги иккни йил ичida давлат бюджетидан соҳа учун 1450 та ихтисослаштирилган автотранспорт харид килинди ва ҳудудларнинг ушбу техникага бўлган эҳтиёчи тўлиқ колланди. Эндилидка юртимизда хар 13 минг ахолига битта маҳсус «Тез ёрдам» машинаси хизмат кўрсатади. Бу борада ривожланган давлатлар тажрибасини кузатсан, уларда 20-25 минг кишига битта маҳсус автотранспорт воситаси тўғри келади. Демак, бу жихатдан мамлакатимиз тиббиёт халқaro андозалар даражасига кўтарилди. Айни пайтда «Тез ёрдам» автопаркни замонавийлаштириш ишлари тизимли давом этмоқда. 2021 йилгача «Damas» автомашиналаридан тўлиқ воз кечилиб, халқaro андозалар даражасида жихозланган замонавий тиббий ёрдам машиналарига ўтилади.

— Якин-якингача «Тез ёрдам» машинасининг дори-даромот таъминотида этишмовчиликлар туфайли жиддий муаммолар юзага келарди...

— Тўғри, Президентимиз ташаббуси билан кейинги йил-

ларда бундай холатларни бартараф этиш бўйича кескин чорадабирлар амалга оширилди. Натижада шошилинч ёрдам мусассаларини дори-дармон ва тиббий буюмлар билан таъминлаш З баробарга кўпайди. Яъни бутунги кунда ҳар бир чакирик учун минимал харажатлар 5000 сўм микдорида белгиланди. Бу кўрсаткич 2016 йилда 748 сўмни, 2017 йилда 1627 сўмни ташкил этарди.

— «103»га тушган кўнгироклар кандай тавсифланади?

— «Тез ёрдам»га тушган кўнгироклар устуворлик бўйича иккни гурухга ажратилади. Беморнинг хаёти сифатига жиддий хавф соладиган жароҳатлар ва касалликлар, яъни ўйл-транспорт ҳодисалари, баландликдан йикилиш, фав-кулодда холатлар, беморнинг хушидан кетини, турли шок холатлари, профуз кон кетини, тугурук, терининг термик куйиши ёки совук уриши, беморнинг кимёвий мoddалар ёки дори воситаларидан ўтқир заҳарланиши, ток уриши шошилинч холатлар хисобланади, бундай чакириларга 20 дакикадан кечикмай этиб бориши зарур.

Иккинчи тоифага шошилинч бўлмаган, бирор тезкор тиббий ёрдам кўрсатилиши зарур бўлган чакириклар киради. Бемор юрак ритмининг бузилиши (*аритмия*), астма хуржузи, харакат фоалиятининг ўтсаддан бузилиши, ўрта ва енгиз тан жароҳатлари, аллергия, бош оғргиги, қорин, кўкрак кафасидаги оғриклир, психиканинг ўтқир бузилиши, бўйрак хуржузи, қусиши, тошма, юкори иситма (*перорал дори воситалари кўлланигандага ҳам иситма туширас*), ўтқир пешшо ажралмаслиги холатлари бўйича «Тез ёрдам» чакирилганда, 30 дакика ичida этиб бориб, тиббий ёрдам кўрсатиш лозим.

— Call-марказлар фоалиятини ҳам такомиллашмоқда. Бу тизим жорий этилиши соҳадаги муаммолар ечимида кандай самара беради?

— Бутунги кунда мамлакатимиз бўйлаб Call-марказлар фоалият юритиши. Айтиш керакки, илгари бу тизимда ишлари учун тиббий билим талаб этилmas эди. Эндилидка Call-марказларга тушаётган кўнгирокларга тиббиёт ходимлари жавоб бермоқда. Бу эса шифокор этиб боргунга кадар телефон оркали



бемор ахволини билиш, керакли маслаҳатларни бериб, кўмакланиши имконини ярататти.

— Тез тиббий ёрдам бошкарувининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиши борасидаги ишлар хақида тұтқалсанғыз.

— 2019 йил 1 апрелдан бослаб Тошкент шаҳрида бу тизим жорий этилди. 1 октябрдан республиканизинг колган ҳудудларида тез тиббий ёрдам босхарувининг автоматлаштирилган тизимини жорий килиши резкалаштирилган. Бу «Тез ёрдам» машиналарининг харакатини мониторинг килиб бориши, тиббий ёрдам сўраб мурожаат этган шахслар манзилини телефон (*мобил*) алоқа оркали автоматик аниклаш, тез тиббий ёрдам бригадаларини мобил иловалар ёрдамида, жумладан, имконияти чекланган шахслар учун чакириш, фойдаланилишидан дори воситалари ва тиббиёт бўломларининг хисобини юритиш имконини беради.

— «Тез ёрдам»га тушган чакирикларининг неча фоизи госпитализация килинади?

— Республика бўйича чакирикларнинг 18 фоизга якини госпитализация килинади, 82-83 фоизига эса жойида хизмат кўрсатилади. Европада эса чакирикларнинг 85 фоизи госпитализация килинади.

— Ҳозирги кунда «Тез ёрдам» машиналарининг физиологияни замонавий автотранспортлар ташкил этади. Улар кандай тиббий асбоб-ускуналар билан жихозланган?

— Бутунги кунда тез тиббий ёрдам машиналарининг 10

шади. Давлат ва ҳалқ мулкини текашни, аҳоли соглиги йўлида давлат томонидан яратилган барча кулайликдан оқилона фойдаланиши билиш ҳар бир инсоннинг фукаролик бурчи.

Шу билан бирга, бу муаммони бартараф этишининг макобул йўлларидан бири, бирламчи тиббий-санитария бўгини ва «Тез ёрдам» хизмати фоалиятининг интеграциясини кучайтиришидир. Ана шу максадда бир катор кишлек оидавий поликлиникаларида «Тез ёрдам» шохобчалари ташкил этилди. Келгусида бундай ҳамкорлик нинг ривожланиши тиббий хизмат сифатини яхшилашда мухим мезон бўлади.

— Дунё тажрибасида «Тез ёрдам» чакирингига шифокорлар билан бир каторда яна кандай мутахассислар жалб этилади?

— Тиббиёти ривожланган Туркияда «Тез ёрдам»да 12 фоиз шифокорлар, 88 фоиз парамедиклар ишлайди. Чунки дунё тажрибасидан маълумки, «Тез ёрдам» беморнинг касаллигини даволамайди, балки шошилинч холатларда бемор хаёти ва сифатига жиддий хавф солаётган касаллик аломатларини бартараф этиб, уни тезлик билан шифокорнага етказади. Мамлакатимизда ҳам дунёдаги бундай илгор тажрибалардан келиб чиқиб парамедиклар таъёрлаш режалаштирилди.

Шунингдек, соҳа ривожига кепгуси 3 йил давомида 604,2 миллиард сўм йўнайтирилиши, шу билан бирга, 2020 йилдан эътиборан, тез тиббий ёрдам хизмати авиация техникини билан ҳам таъминланиси кўзда тутилаёт. Колаверса, жаҳоннинг тараккӣ этган мамлакатлари билан илмий-амалий алоқаларни ривожлантириши йўлида изланишлар давом этмоқда.

Суҳбатдои: Обиджон ДИЛМУРОДОВ Шошилинч тез тиббий ёрдам масалалари бўйича маҳаллий координатор.

# Жамоат тартибини саклашда фаол фуқарога рағбат бўлади

Мамлакатимизда фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат тартибини саклаш ҳамда ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш борасида тизимили ишлар амалга оширилмоқда. Бу, албатта, ҳар бир соҳанинг истикబолига, ахолининг фаровон ҳайт кечиришига хизмат қўймоқда. Бироқ ҳукуқбузарлик профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиб жараёнига фуқароларнинг етарлича жабж атилмаслиги оқибатида айрим жиноятчиликларнинг ўғрилик, фирибагарлик, тан жароҳати етказиш, безорилик) кўрсаткичлари ҳанузгача юқори қолмоқда.

Фуқароларнинг хукукни муҳофаза килувчи органлар билан жамоат тартибини саклаш соҳасида тизимили ва бир марталик ҳамкорлик масалаларининг тартибига солинмагани, хукукни муҳофаза килувчи органларни ҳукуқбузарлик ва жамоат тартибига таҳдидларнинг фактлари хакида огоҳлантираётган шахслар бўйича мавзумларнинг сир сакланишида кафолатларнинг мавжуд эмаслиги муаммоли вазиятларни келтириб чикармоқда.

## Янги конун ишлаб чикилди

Шу муносабат билан айни кунларда парламент кўйи палатасида жамоат тартибини саклашда хукукни муҳофаза килувчи органларга яқиндан кўмаклашши, ҳукуқбузарликларни барвакт аниқлаша ва уларнинг олдини олишида фуқароларнинг иштирокини таъминлаш масадидла Конунчилик палатаси депутатлари томонидан

«Фуқароларнинг жамоат тартибини саклашдаги иштироки тўғрисидан» конун лойихаси ишлаб чиқиби, мухомама этилди. Конун лойихасида жамоат тартибини саклашда фуқаролар иштирокининг ихтиёрийлик, конунийлик, фуқароларнинг хукуқлари, эркинликлари ва конуний манфаатларига риоҳ этиши ва ҳурмат килиши, ички ишлар органлари, шунингдек, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошируви бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик килиши масалалари белгиланган.

Шунингдек, жамоат тартибини саклашда иштирок этадиган фуқароларнинг ички ишлар органлари, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошируви бошқа органлар ва муассасаларнинг мутлақ ваколатлиги тегишини бўлган процессуал ҳамда бошқа фоалиятини амалга ошириши, ички ишлар органларининг ваколатларини ўзлаштириш, инсоннинг кадр-кимматини камситишга



каралтилган хатти-ҳаракатларни амалга ошириш ва жисмоний куч ишлатиш билан боғлиқ катор чекловийни ҳам назарда тутилган.

## Ваколатлар белгиланди

Ёътиборлиси, конун лойихасида фуқароларнинг жамоат тартибини саклашда иштироки масалалари бўйича ички ишлар органлари, ўзини ўзи бошқариш органларининг ваколатларни белгиланган. Ушбу органлар ваколатларининг алоҳида ажратилиши ички ишлар органлари жамоат тартибини саклашда иштирок этадиган фуқароларнинг фоалиятни масалалари бўйича ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошируви бошқа органлар ва муассасаларни белгиланган. Шунингдек, жамоат тартибини саклашда иштирок этадиган турни жамоат тузилмалари (гурухлари)

фаолиятини мувофиқлаштиради ҳамда уларнинг реестрини юритади. Махаллий давлат ҳоқимияти ташкилотлари ички ишлар органлари жамоат тартибини саклашда кўмаклаштирандиган молдалар киритилди. Хусусан, мазкур ҳужжатда жамоат тартибини саклашда фаол иштирок этган ва муайян натижаларга эришган фуқароларни раббатлантиришинган ник механизмлари белгиланди.

Хулоса килип айтганда, конун лойихасининг кабул килиниши жамоат тартибини саклашда ички ишлар органлари, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошируви бошқа органлар ва муассасаларга ахоли билан алоказаларни ўрнатишга ҳамда жамоат тартибини саклаш тизими самарадорлигини оширишга хизмат килади.

## Конунга қандай нормалар киритилмоқда?

Конун лойихасида фуқароларнинг жамоат тартибини саклашда ички ишлар органлари, шунингдек, ҳукуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга ошируви бошқа органлар ва муассасалар билан ҳамкорлик килади. Шунингдек, жамоат тартибини саклашда иштирок этадиган турни жамоат тузилмалари (гурухлари)

**Умиджон СУЛАЙМОНОВ,**  
**Олий Мажлис**  
**Конунчилик палатаси**  
**депутати.**

тиш тўғрисидаги конун лойихаси ишлаб чикилди.

Конун лойихасига асосан, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 17-моддаси «Махсус автоматлаштирилган фото ва видео кайд этиши техника воситалари орқали тезкор ва маҳсус хизмат транспорт воситалари ҳамда улар кузатиб келаётган транспорт воситалари томонидан йўл ҳаракати кондадарига мувофик имтиёздан фойдаланган холда содир этилган маъмурий ҳукуқбузарликлар кайд этилган холларда ҳайдовчиларнинг кечиқтириб бўлмайдиган хизмат вазифаларини бажарганиларни тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилганда охирги зарурат холатида содир этилган деб топилади ва маъмурий ин ушбу Кодексининг 271-моддасига мувофик тутагилади», деган мазмундаги бешинчи кисм билан тўлдирилмоқда.

Мазкур конун лойихасининг кабул килиниши келгусида «Тез ёрдам» машиналари ҳайдовчиларнинг иш самарадорлигини оширади. Асосий масадэ эса бермогра ўз вақтида ёрдам кўрсатилиб, уларни шифохонага етказишгача бўлган ўлим ҳавфининг олди олинади. Тез тиббий ёрдам хизматини кўрсатувчи транспорт воситалари ҳайдовчиларнинг эса асосиси юридик жавобгарлигига барҳам берилади.

**Козим ТОЖИЕВ,**  
**Олий Мажлис Конунчилик**  
**палатаси депутати.**



тиш тўғрисидаги конун лойихаси ишлаб чикилди. Соғликни саклаш вазирлигига томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, маҳсус автоматаштирилган фото ва видео кайд этиши техника воситалари орқали тез тиббий ёрдам хизмати ҳайдовчилари 2017 йилда 339 та шундай холат тезлиқдан ошириласдан ҳаркетланган бўлса, 2018 йилда 968 та, 2019 йилнинг биринчи чорагида эса 350 тадан ошиб кетган.

Бўйича айрим холатларда жавобгарлитика тортиласканни аниқланди.

Соғликни саклаш вазирлигига томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, маҳсус автоматаштирилган фото ва видео кайд этиши техника воситалари орқали тез тиббий ёрдам хизмати ҳайдовчилари 2017 йилда 16 нафар, 2018 йилда 110 нафар тез тиббий ёрдам ҳайдовчиси жарима тўлаган. 2019 йил 1 марта холатига кўра, 89 та шундай холат билан боғлиқ ҳал

## Ечими қандай бўлади?

Шундан келиб чиккан холда парламент Конунчилик палатаси депутатлари конунчиликка ўзартиш киритиш таклифи билан чиқди. Ўнга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги фармони билан тасдиқланган «Норма ижодкорлиги фаолиятини таомиллаштириш концепцияси»га мувофик, конунчиларнинг тўғридан-тўғри амалиётга кўйланишини таъминлаш максадида конунчиликка кўшимча кири-

## Муаммо нимада?

«Тез ёрдам» машиналари ҳайдовчилари маҳсус автоматаштирилган фото ва видео кайд этиши техника воситалари орқали тақдим этилган йўл ҳаракати кондадарни (белгиланган тезлиқни ошириш, светофорнинг тасдиқловчи чироғига бўйсунмасдан ўтиш ва х.к.) бузгандиги

**Сенат Раиси Танзила Нарбаева АҚШнинг Ўзбекистондаги элчиси билан учрашди.**

# Хўжайлида вазифаларниң биронтаси бажарилмаган... (ми?)

«ҲАЛИ ВАҚТ БОР, БЕМАЛОЛ УЛГУРАМИЗ», ДЕГУВЧИ МАСЬУЛЛАРДАН БИРОН ЁРУҒЛИК ЧИҚИШИ ДУШВОР АХИР, АПРЕЛДА БОШЛАНГАН ИШЛАРДА БИРОН СИЛЖИШ БЎЛМАГАНДАН КЕЙИН ЯНА ҚАНДАЙ НАТИЖАНИ КУТИШ МУМКИН?

Ҳудудлар обод бўялти, бунёдкорлик ишлари авжидат, дебонг урамиз. Албатт, ислоҳотлар самарааси бўй кўрсатаётган, фуқаролар ҳаётни фаровонлашаётган жойлар ҳам бор. Аммо «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурларини ниқоб қилиб, ишни ярим йўлда ташлаб кетаётганлар ҳам, афсуски, иўқ эмас.

Чунончи, дастурлар доирасида жорий йилда Қорақалпогистон Республикасидаги 15 та туманиннинг ҳар бирда 3 тадан кишилекда, жами 45 та овул фуқаролар йигинида таъмирилаш, курилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилиши керак эди. Биргина иччи йўлларнинг курилиши учун 86 млрд. 163 млн. сўм маблағ ажратиш назарда тутилганди. Хўш, жойларда белгиланган вазифалар ижроси кай даражада таъминланмоқда.

## 3 та қишлоқ обод бўлади

— Туманиннисида Амударё, Водник ва Кулоб овул фуқаролар йигинида «Обод қишлоқ» дастури асосида бунёдкорлик ишлар бошлиган, — дейди Хўжайли туманиннинг хокимилиги иктиносидёт бўлими мутахассиси Дамир Тоғибов. — Даструга мувоғифик курилиши-таъмирлаш ишлари учун жами 27 млн. 311 минг сум йўналтирилиши режалаштирилган эди. Шу кунгача унинг 14 млн. 655 минг сўми сарфланди, 1 минг 749 та ўйжойда курилиш ва таъмирлаш ишлари бошлиланди. Ичимлик суви таъминотини яхшилаш мақсадида 11 км. ичимлик суви



тармоги таъмирдан чиқарилди. Электр таъминотидаги узилишларни бартараф этиши учун 3 км. масофага электр тармоги торттилди. 85 та таяни учунни ва 5 та трансформатор янгиланди. Шунингдек, табиий ва сюютирилган газ билан таъминлаш, автомобиль йўлларини таъмириш, ижтимоий инфраструктуруга объектларни куриши каби масалалар ҳам эътиборда.

## Дастурга киритилган, аммо муаммолар ҳануз ечим топмаган

Даркақиқат, Хўжайли туманиннинг «Обод қишлоқ» дастурга киритилган ҳудудлар ўзгаришларга юз тутмокда. Аммо бозида уларнинг сиљишида оқсоқликлар, вазифалар ижросида сусткашликлар кўзга ташлаётгани ҳам айни ҳақиқат. Хусусан, Кулоб овул фуқаролар йигини аҳолиси учун ичимлик суви ҳали-ҳануз катта маъмом. Газ ва электр таъминотидаги камчиликлар ҳам барҳам топмаган. Кўчаларга тунги ёриткичлар ўрнатиш, ҳонадон томорқаси срлари шўрланишининг олдини олиши учун ҳудудда коллекторлар казиши бошлилангану охирига етказилмаган.

— Маҳалламида аҳоли хо-



наёндонарига 1966 йилда электр энергияси, 1974 йилда газ кувури, 1996 йилда эса ичимлик суви кувурлари торттилган, — дейди кулоблик Абдухалик Абдураимов. — Бугунги кунга келиб уларнинг барчаси эскирган. Туман газ бўлими эски кувурлар чириб кетмасин, деб ердан бир қарич юқорига кўтариб кўйди, холос. Масаланинг яқин орада ечим топмасигини билган кўни-кўнишларимизнинг кўччилиги газ насосларидан фойдаланинг япти. Ичимлик суви учун марказий қувуру ўтказишди, аммо бу бизга қулайлик яратмади. Натижада фуқаролар ўзбонишчалик билан катта босимдаги бу кувурдан ҳонадонига сув

олиб кирыти. 63 та симёғочдан 50 тасига тунги ёриткичлар ўрнатилган. Коллектор куриши бошлиниши билан кўчамиз катта трассадан бекилиб қолди. Ҳокимликка мурожаатимиз эса «бажарализ» деган куруқ ваҳда билан қаноатлантирилди. Аммо орадан 2 ой ўтди ҳамки, бирон нарса узғармади.

## Ишлар бошлиган, тўғри, лекин тутатилмаган...

Фуқаронинг куйинганича бор экан. Чиндан ҳам, ишлар

## Футбол майдончasi орзу бўлиб қолмаса эди...

Кишилек болалари ўйл четларида тўп тенип ёзги таътилини ўтказмоқда. Боиси уларнинг спорт билан шугулланиши учун на бирор майдонча, на маҳсус жой ажратилган. Лойихага киритилган замонавий футбол майдончasi бу болажонлар учун орзудигича қолмаса эди. Майший хизмат кўрсатиш шоҳбахарлипо тикучвиллик цехи биноларни учун шу кунгача биронга гишт кўйилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Бу эътиборсизликлардан маҳалла фаоллари ҳам бенасиб колишияпти. Мана, иккӣ ойдирки, «Кулоб» фуқаролар йигини фаоллари иморат шиферини янгилаш учун оворао сарсон.

Ёзинг учинчи ойи ҳам эшик көклити. Ҳадемай, ёғингарчилик мавсуми бошлидан. «Ҳали вакт бор, бемалол улгураниз», дегувчи масъуллардан эса бирон ёруғлик чиқиши душвор. Ахир, апрелда бошлиган ишларда бирон силжини бўлмагандан кейин улардан яна қандай натижани кутиши мумкин? Ваҳоланки, аксарият вазифаларни бажариши муддатлари аллакачон ўтиб кетган, йил охирига тутатилиши керак бўлган катта ҳажмдаги юмушларга эса ҳали киришилмаган.

Наҳотки, шундай бефарку локайд бўлиш мумкин бўлса? Тўғри, мутасаддиларнинг вазифалари ҳам кўп. Уларнинг ижросини бирдек таъминлаш, мониторинг килиб бориши иложисиздир. Вакт ва маблағ масаласида мутасаддилар бордир. Аммо бу ишларни ярим йўлда ташлаб кўйиш, зиммадаги вазифалар ижросини, аҳолини кийнаётган муаммолар ечимини кечкитиришга асос бўлмайди.

## ФОТОТАНҚИД

### Чиқиндилар «ИШГОЛ» қилган ҳудуд

Мевали ва манзарали дарахтлар тартиб билан экилган, анвойи гуллар райхонларнинг ифори димоққа ўрайтган кўчалардан ўтганди. Аммо одамларнинг бефарқигиги, «мен сендан камми?» қабилида иш тутиши оқибатиди ҳудудларда бунёд бўлаётган «чиқиндил кўчаларни» кўрганда ҳафсаланғиз тир бўлиши тайин. Қўёш тигида анкиган бадбўй ҳид эса турли касалликларни келтириб чиқаради.



хонага айланган. «Нукус — Тахиатош» катта гузари бўйинда савлат тўкиб турган бу манзара ўтган-кеттаганинг тавбини-да хира кильмоқда. Катта йўлгача 3-4 метр масофа қолган. Бу кетишида

бир-икки кунда чиқиндилар катта ўйлни ҳам «ишиғол» килиди.

Холат бўйича маҳалла фаолларидан изоҳ сўраганимизда, бир ойдан бўён «Амударё» ва «Жийдели-байсин» маҳалласига хизмат кўрсатувчи маҳсус автомашиналар келмаётганини айтишиди. Килинган мурожаатларга эса «Хозирча бизда автотранспортлар етишмайти» деган жавоб берилган. Ваҳоланки,

аҳоли чиқиндиларнинг ўз вактида олиб кетилиши учун олдиндан тўловни амалга оширган. Биз бу холатга мутасадди ташкилотлардан изоҳ кутиб коламиз.

Сахифани «Mahalla» мухбири Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ тайёрлади.

Нукус шаҳридаги «Амударё» маҳалласи ҳудуди ҳам ялангликдаги чиқинди-



Андижонда электромобиллар ишлаб чиқарилади.

# Ногиронлиги бор одам нокулай шароитда...(ми?)

БИНОСИ БҮЛМАГАН ТАШКИЛОТ ЁРДАМГА МУХТОЖЛАРГА ҚАНДАЙ КҮМАК БЕРАДИ?

Мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Унга кўра, кам таъминланган, ногиронлиги бор шахслар, умуман, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ қатламига эътибор кўрса-тиш, уларни кўллаб-кувватлаш борасида тизимли ишлар йўлга кўйилган. Маҳаллаларда кўмакка муҳтоҷ аҳоли вакилларининг муаммоларини ўрганиш, уларни қўйнаётган масалаларга ечим тошип борасида дастурлар ишлаб чиқилган. Хўш, мазкур дастурларда белгиланган вазифалар қай даражада амалга оширилмоқда? Ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ аҳоли қатламига, хусусан, ногиронларга етарлича эътибор қаратиляпти? Умуман олганда, ногиронлиги бор шахсларни айни пайтда нималар ўйлантирияпти?

**«Ҳатто, ўз биномиз йўқ»**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевинг 2017 йил 1 декабрдаги «Ногиронлиги бор шахсларни давлат томонидан кўллаб-кувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ти фармони соҳанин тартибга солища мухим дастурларни бўлди. Хусусан, фармонда ногиронлик белгиси бўйича камситишга йўл кўймаслик, ногиронлиги бўлган шахсларнинг хукуклари, эркинликлари ва конуний манфаатларни рўбба чиқарнишга тене шароитларни ва уларни бузганлик учун жавобгарликнинг мукарарларини таъминлаш, ногиронлиги бўлган шахслар хукукларни таъминлансан соҳасидаги умумътироф этилган халқаро норма ва стандартларни миллий ко-

нунчиликка имплементация килиш, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш даражаси ва сифатни ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг онлиси, жамият ва давлат билан ўзаро алосанин мустахкамлаш, уларнинг қулий муктида бўлиши, шахар йўловчи транспортни, ижтимоий ба бошка инфраструктура объектларидан эркин фойдаланиши учун зарур шароитлар яратиш каби мухим вазифалар белгилаб берилган.

Мазкур фармон эълон килингандан бўён ўтган вакт оралиғида ушбу вазифалар қай даражада амалга оширилди?

— Салкам бир ярим йилдан бўён ойлик маосисиз ишлаб келдимиз, — дейди **Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси Ойбек Исоков**. — Шу вакт оралиғига давлат томонидан тўланаётган нафака тузи эвазига кун кечирамиз. Мана шу бир ярим йил давомида фармонда

белгиланганидек, ногиронлиги бор шахсларнинг ҳақ-хукуклари тўғрисидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқдик. Бундан ташкари, жамоатчилик назорати асосида Тошкент шахридан ногиронларга ордер берадиган, уларни тиббий кўриқдан ўтказадиган 12 та бинонинг ҳолатини ўргандик. Бу шарларни ўз маблагларимиз эвазига амалга оширидик. Қонунчиликка кўра, нодавлат нотижасорат ташкилотларига давлат бюджетидан маълум миқдорда маблағ ахсратилин, деган жойи бор. Мамлакатимизда давлат томонидан маблағ билан таъминланадиган бу каби ташкилотлар сони ўн битта бўлиб, афсуски, улар орасида ногиронлар жисамияти ўйк.

Мисол учун, нодавлат нотижасорат ташкилотлари милий ассоциацияси ҳаражатлари учун давлат бюджетидан йишига 200 миллион сўм, ойлик маошлар учун esa 250 миллион сўм маблағ олади. Ваҳҳанки, ушбу ташкилотда бор-йўғи етти киши фаолияти юритади. Ёки бўлмас, Ўзбекистон ўшлар имтифоҳини олайлик. Улар ҳар йили давлат бюджетидан ёхуда котта миқдорда моддий ёрдам олади.

Аслини олганда, давлат томонидан энг аввало, ҳақиқатан ҳам, ижтимоий-иктиносиди, моддий-матнавий ёрдамга муҳтоҷлар, янни билан ташкилотлар, биринчилардан бўлиб моддий ёрдам олиши керак. Чунки бутун дунёда шундай. Афсуски, бизде ногиронлар, кар-соқоллар, кўзи ожизлар ташкилотларига давлат томонидан ёх ҳандай маддий ёрдам берилмайди.

Ачинчалиси шундаки, шу ўтгандан бери ташкилотимизнинг биноси ўйк. Саховатпеша инсонларнинг кўмаки билан айни пайтда Шароф Рашидовнинг ўй-музейидан бир хона олиб, ўша ерда фаолият юритиб келмоқдамиз.

Ўтган йили октябрь ойида халқаро конференция ўтказдик. Афсуски, 12 та давлат вакиллари иштирок этилган ушбу анжуманини ўтказишда ҳар қанча мурожаат қўзганимизга қарамай, мутасаддилар томонидан кўмак кўрсатилмади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ёрдами



бинолар, кўпприклар, йўллар ногиронлар учун мослаштирилиши белгиланган. Лекин ундан ётас. Мисол учун ногиронлиги бор шахслар давлат томонидан нафака олини учуру ҳар йили тиббий текширувдан ўтиши шарт. Бу эса мантиқисиз ҳолат. Тасаввур қилинг, кўлтиктабек ёки аравачабада ўрган одам кимлар учундир ҳақиқатан ҳам, ногирон эканини исботлаши қуяғили эмасми? Ахир, уларнинг ҳолати жисмоний имкониятилари чегараланганидан далолат беради-ку?! Буниси ҳам майли, тиббий текширувдан ўтказадиган вазифалар билан қандай ўйгулашиб? Ногиронларни қўйнаётган масалаларни қандай ўрганади?

Яна бир гап, ташкилот молиявий жисадатдан ўзини таъминлаши кераклиги боис иши фаолиятининг асосий қисми жисамиятга ҳомий қидириш, пул тушириши билан ўтади. Бунақада ташкилот олдига ўйганин вазифалар билан қандай ўйгулашиб? Ногиронларни қўйнаётган масалаларни қандай ўрганади?

Шу ўринда савол тугилади: ёрдам истаб ногиронлар жамиятига келган фуқаро бу ёрдаги ҳолатни кўриб қандай фикрка боради? Ногиронлиги бор шахсларнинг хукукларни химоя киларадиган ташкилотнинг ўзи ҳимоя, кўмакка муҳтоҷ бўлса, ногиронлар дардини кимга айтади?

## Ногиронларга курилган, аммо...

— Давлатимиз раҳбарининг кўрсатмасига биноан, Сергели туманинда ногиронлиги бор шахсларга атаб, 60 та ўй-жой қурилди. — дейди **Ўзбекистон ногиронлар ассоциацияси раиси ўрнибосари Фарҳод Абдурахмонов**. — Шу ўйлар жамоатчилик назорати ёрдамида мониторинг қидик. Урганишилар шуну кўрсатдик, мазкур уйлар ҳеч қанақасига ногиронлар таъмнига мавжуд вазият бу каби тадбирларни факаттинга бир кун эмас, балки йил давомида ўтказиб бориш лозимлигини кўрсатмади.

Бундан ташкари, маҳалла фуқаролар йигинларида, оммавий ахборот воситарада ушбу йўналишида тарғибот тадбирларини ўтказиб бориш лозим. Зоро, факатгина мутасадди ташкилотлар эмас, барчамиз ногиронлиги бор кишиларга ёрдам кўлини чўзиша нафакат мажбурият, балки инсоний бурч сифатида қарашимиз шарт. Чунки ўзбек халқи азалдан бағрикенг, меҳридарёлиги билан шуҳрат козонган.

**Гуломжон МИРАХМЕДОВ,**  
журналист

## ДАРВОҚЕ...

### Ҳукумат «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини маъқуллади

Жорий йил 29 июль куни Ўзбекистон ҳукумати «Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуклари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини парламентга киритиш учун маъқуллади.

Мазкур ҳужжат ногиронлик муаммоларининг счиминга бағишланган ва биринчи кабус килинадиган Қонун лойиҳаси бўлиб, у ўзининг максад-моҳияти билан жаҳон андоzlарига, хусусан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг «Ногиронлар ҳуқуклари тўғрисида»ги Конвенция тартиб-кандаларига тўла мос келади.

Қонун лойиҳасини ишлаб чиқишида 20 га якни вазирлик, идоралар, жамоат ташкилотлари, хусусан, республика ногиронлар жамияти, кўзи ожизлар, карлар жамиятлари, ногиронлар жамиятлари ассоциацияси вакиллари маъсутият билан иштирок этишиди.

Ногиронлик белгилари бўйича фуқароларни камситишга йўл кўймаслик ногиронлиги бўлган шахсларнинг ғурурлари ва шахсий эркинликларини хурмат килиш, ҳуқук ва озодликларини таъминлашда уларнинг жамиятимизнинг бошқа азъолари катори тенг ҳуқуқка эта эканликларини таъминлаш, ногиронлиги бўлган болаларнинг аста-секинлик билан ривожланаётган имкониятларини, уларнинг шахсий хусусиятларини хурмат килиш, атроф-муҳитда эркин характерларни олишлари, ўкиш, касб эгалашларни, меҳнат килишлари, спорт ва маданият тадбирларда фоал иштирок этишлари, мавжуд имкониятлардан тўлаконли фойдалана олишлари, жамият хаётида эркин ва тўлаконли иштирок этишларини таъминлаш масалалари мазкур Қонун лойиҳасининг асосий максадлари бўлди.

Кўқонда хунарманалар учун 70 дан ортиқ махсус савдо расталари ташкил этилди.

# Мутахассис экспорт билан шуғулланынми ёки мажлисма-мажлис юрсинми?

ХАР БИР МАСЬУЛ ИСЛОХОТНИ, АВВАЛО, ЎЗИДАН БОШЛАМОГИ КЕРАК, НАЗАРИМИЗДА.  
ШУНДАГИНА ХАР КИМ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ БАЖАРАДИ, РЕЖАЛАР ЭСА ҚОФОЗДА ҚОЛИШ УЧУН ЭМАС,  
АМАЛДА САМАРА БЕРИШИ УЧУН ТУЗИЛАДИ



Хозир айни пишиклил палласи. Хонадонда бирон тадбир күлмән сәнгиз, дастурхонни сархил ёз нөз-немъатлари түлдүрди. Саҳоваттына заминимизда етиштирилган мева-сабзавоттарнан жаңын бозорида харидорлар бүлишиңнеген боиси ҳам аслида унинг баракалы сершиялдигенд бүлсекерак. Хүш, жорий йилдин ортда қолған даврида қанча маҳсулот экспорт килинди? Соҳа ривожи йилдидан қандай ташаббуслар илгари суримокда? Экспорт жараёни қандай муаммолар күзга ташланыпти?

## Экспорт режаси нега бажарилмади?

Инвестициялар ва ташкив савдо вазирлуги матбуот хизмати берган маълумотларга кўра, республиканинг жами экспорт жами жорий йилдиннинг январь-апрель ойларида 5,2 млрд. АКШ долларини ташкил килган. Бу ўтган йилга ийсандан 14,3 фоизга кўп демакадир. Тўрт ойлик якунлар бўйича белгиланган экспорт прогнози 117,0 фоизда тасминланди.

Афсуски, экспорт бўйича белгиланган топшириларнинг барчаси ҳам рисоладагидек амалга оширилмаган. Чунончи, «Ўзжонмасхузот» АЖ топширикни 70,2 фоизга бажарган. Бунинг сабаби ўрганилганда, жорий йилдинг февраль-март ойларида Тоҷикистон ва Афғонистон бозорларида бўйдой нарихи тушби кетгани, натижада Тоҷикистон олдиндан бериладиган тўловни кечкитиргани аниқланган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари бўйича тасдиқланган режа эса 132,4 фоизга бажарилди. Бирок Андижон, Бухоро ва Тошкент вилоятлари белгиланган вазифаларни тўлиқ бажармаган. Хўш, нима учун бу вилоятлар режанинга бажаришда ортда колди? Ахир

уларнинг ҳар бирда бунинг учун имконият етарили. Ёки хали-хануз ишбайлармонларни кийнаётган муаммолар мавжудми?

## Режа қўйилганми, бажарасан!

Ўзбекистон мева-сабзавот маҳсулотларни экспорт килувчилар уюшмаси аъзолари билан сұхбатлашганинда вазият анчайткан ойдинашди:

— Тадбиркорликнинг хам ўз пасту баланди бор, — дейди уюшма аъзоларидан бири. — Экспорт билан шуғулланни эса 2-3 баробар маъсулдигат деганидир. Экспортнинг нима эканини билмайдиган «казо-казолар» юкоридан келиб ақл ўргатди. Агар уларнинг айтганини кильмасанги, хокимият оркали гапини ўтказади. Ваҳоланки, кредит олиб иш бошлан, кора кўз ишчиларга ойлик бериси, харидор топиб, маҳсулотни бозорга олиб чибики сотиш осон эмас. Бозор ҳам сизнинг маҳсулотинизга караб колмаган, у ерда рақобат бор. Ўз ўринингизни топганингизча неча марта йикилиб, неча марта туринингиз керак. Кредит олишининг эса ўзи бир машмаша. Банкдан кредит сўрасантиз, 30 хил талаб кўяди. Уларни тайёрлашга 3 ой вакт кетади. 125 фоиз гаровни кеарден оламиш, ахир.

Ишбайларон бу масалалар билан ўралшиб ўргунича пишиклил пайти ҳам ўтиб бўлади. Ҳокимликларда эса экспорт билан шуғулланувчи мутахассисларга худди ўз ходимларидек муносабатда бўлишиади. Мутахассис экспорт билан шуғулланынми ёки мажлисма-мажлис юрсинми? Уларни хали у ёкка, хали бу ёкка тортгайтан мутасаддилардан ёрдам сўрасантиз масалани юкори ташкилотлар ҳал килиди, деган мужжум жавобни беради. Режа бажарилмаса, таёк яна экспорт билан шуғулланувчи

ходим бошида синади.

Фикримни мисол билан давом эттирасам. Бутун мош маҳсулоти дунёнинг 50 дан зиёд мамлакатида етиштирилиб, экспорт килинади. Жаҳон бозорида энг катта импорт килувчи давлатлар Ҳиндистон ва Хитой. Бу давлатлар бозорида эса бутун биз етиштирган мош нархи мос келмайди. Чунки Лотин Америкаси ва Африка давлатлари жуда арzon ва яхши сифатдаги маҳсулотни етказиб бермоқда. Афсуски, буни ҳокимликдаги маъсуллар тушунмайди. Уларга режа қўйилгани, тамом, қандай бўлмасин бажарилиши керак. Вазият, бозордаги ҳолат билан кизишишади. Натижада яна тадбиркор, экспорт килувчи азоти чекади.

Хўш, тадбиркорни кийнаётган бу каби масалалар билан ким кизиқади? Қачонгча юкорига яхши кўриниш учун куйкатлам бошида таёк синаверади? Умуман, бутун жаҳон бозоридаги вазият таҳлил килинганини? Бу йилги мева-сабзавот экспортидаги ахвол қандай?

## Жаҳон бозори талаби қандай?

— Жорий йилдин биринчи ярим йиллигига жасами 780 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт килинди, — дейди Қишилкот хўжалиги вазирлиги Боғдорчилик ва узумчилик бошкармаси бошлиги Фаҳридин Қирғизбоеев. — Ташкил бозорга чиқарилган кўритилган мева-лар эса 10 минг 268 тоннани ташкил этиди. Бугунги кунда дунё бозорида айнан қандай мева маҳсулотларига талаб кучайиб бораётгани барчага кизиқ. Ушбу талабни ўрзанини бозорида сарчидан агар соҳасида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, бундан бўён

уре мева болгар эмас. Балки данак мева болгарни кўтайдирни алоҳиди эътибор қаратиш лозим. Айни пайтда дунё бозорида асосий талаб гилос, шафтоли, ўрик, олхўри, курмо, лимон каби боғдорчилик маҳсулотларига бўлмоқда. 2019 йил 1 июль ҳолатига кўра, гилос 17 минг тонна, шафтоли 8,3 минг тонна, ўрик 50 минг тонна, олхўри 15 минг тонна экспорт килинди.

## Лимон ва анор брендлари нега яратилмоқда?

Қишилкот хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатимизда анор ва лимон маҳсулотларини кўпайтириши, экспорт кажмларини ошириш, кола-

верса, анор ва лимон брендларини яратиш учун «Лимон етиштириувчилар» уюшмаси ва «Анор етиштириувчилар» уюшмаси ташкил этилди. Жаҳон бозорида ушбу мева-ларга талаф ошиб бормоқда. Шунинг учун жорий йилдин ўзида 2 минг гектарга ортик майдонда анонзорлар ташкил этилди.

Бундан ташкири, иссиқхоналарда мандарин ва апельсин уюшмаси килинади. Қандай кўпайтириши алоҳида этибор каратилган. Ушбу соҳада Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириши агентлиги тизимидағи Академик Махмуд Мирзасевномидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқикот институти селекционер олимлари ва илмий ходимлари томонидан 2000-2019 йиллар давомида 25 дан ортик уюшмаси килинди. Бу йилги мева-сабзавот экспортидаги ахвол қандай?

## ТАДБИРКОРГА ТАВСИЯ

### МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТДА ЭНГ МУҲИМИ...



Экспорт — бу согни максадида чет ўзга товар ва хизматларни олиб чиқишидир. Тадбиркор ўз маҳсулотини экспорт килишига киришар экан, аввало, ишни тўғри ташкил килиши лозим. Бунинг учун жорий йилдагиларга максадга мувоғи:

**1-қадам:** маҳсулотинизни реклама килинг. Харидор маҳсулотингиз хакида маълумотга эга бўлмай турб унн сотиги олмайди. Маҳсулотинизни афзал томонларини якъол кўрсатиб берувчи кадоқ (товар белгиси) ишлаб чининг. Кўшиш мамлакатлар бозорини, хориқ тажрибасини ўрганинг.

**2-қадам:** харидор билан самарали мудлокот килишини ўрганинг. Харидор маҳсулотингизга кизика бошласа, маҳсулот, нархлар, корхонангиз ва маҳсулотинизга тегиши хўжжатларни унга таҳдим килинг. Маҳсулотни олиб чинши шартлари ва муддати, тўлов шартлари бўйича келишувнинг мукобил вариантини танланг.

**3-қадам:** экспорт шартномасини имзолаш. Харидор маҳсулотинизни сотиги олиши розилик билдира, албатта, экспорт шартномасини тузинг. Бунинг учун тижкорат банкнда хориқий валютада хисоб раками очиши учун ариза топширишини утманти.

**4-қадам:** шартноманинга электрон портала рўйхатга кўйин.

**5-қадам:** экспорт килиништаги маҳсулотни сертификатлаштиринг.

**6-қадам:** транспортда ташиш (логистика), яни маҳсулотни етказиб бериш. Маҳсулотинизни жўнатиш учун харидор билан келишилган холда транспортинг автотранспорт, темир йўл ёки авиатранспорт (самолёт) турларидан фойдаланишининг мумкин.

**7-қадам:** маҳсулотни юклаш. Маҳсулотни оптималь равишда юклаш учун транспорт ҳажми ва ўлчамларни ўрганинг чиқиши лозим. Маҳсулотни ўз вактида ва тўғри юклаш жуда муҳим.

**8-қадам:** маҳсулотни жўнатишни ва шартноманинга ваколатни банкда хисобдан чиқарин. Юк ташиш учун юк хати олингач, белгиланган нуткагача юкни етказиб бериси учун маҳсулотга иловга хўжжатларининг асли ёки нусхасини транспорт компаниясига топшириш керак.

Садоқат МАҲСУМОВА  
«Mahalla»

Болалар ҳуқуқларини бузган 7 мингдан ортиқ мансабдор шахс жавобгарликка тортилди.

# Нобанк кредит ташкилотлари хизмати талабга жавоб берадими?

2019 ЙИЛ 1 АВГУСТДАН МИКРОҚАРЗНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРИ 50 МЛН. СўМГАЧА, МИКРОКРЕДИТ — 300 МЛН. СўМГАЧА ВА МИКРОЛИЗИНГ — 600 МЛН. СўМГАЧА ОШИРИЛДИ

**Бугун машина, уй, майший техника воситаларини харид қилиш учун ойлаб ёки йиллаб пул жамғариш шарт эмас. Керакли хужжатларни тўплаб банк, савдо маркази ёки нобанк ташкилотга мурожаат қилисангиз бас. Икки томон зиммасига тегиши масбутиялар юқнадио, иш битади-қолади. Машинаю уйдан фойдаланиб, музлаткич ва кондиционер хизматидан мамнун бўлиб керакли суммани бўлиб-бўлиб тўлайвекрасиз.**

Маълумки, ахоли ва тадбиркорлик субъектларининг микромилий хизматларга эхтиёжи кундан-кунга ортиб бормокда. Уларни қондириш ундан эса кредит ташкилотларининг салоҳияти замон талабига жавоб бериши зарур. Бунинг учун, аввало, масофадан турбиф хизмат кўрсатиш имкониятларини жойри этиши лозим. Кўрсатилетган хизматлар доирасини кенгайтириши, ахолиди хаддан ташкари қарз юки шаклланисининг олдини олиш, уларнинг молиявий саводхонлигини ошириш ва мазкур истеммолчиларнинг хукуқларини химоя килишга ўтибор қаратиш жоиз.

Давлатиз рахбарининг 2019 йил 23 июлдаги «Микромилий хизматлар оммабонлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» корори айни шу жиҳатларни назарда тутгани билан ҳам аҳамиятлидир. Ҳўш, энди йўналишда қандай ўзгаришлар рўй беради? Корорда кимларга кулалийк, кимларга мажбуриятлар юқлатилган? Оддий одамларга бундан бирон наф борми?

## Кредит бериш босқичлари камаяди... (ми?)

— Бугун мамлакатимиз ялтичи маҳсулоти таркибида кичик бизнеснинг узуси қаршиб 60 фоизни ташкил қўлади, — дейди Олий Мажлиси Конуниччилик палатаси депутати Абдуғани Умиров. — Кўпгина вилоятларда экспортининг 70-90 фоизи айнан кичик бизнес хиссасига тўреи келади. Аммо ҳали-хануз йўналишда муаммолар етарлича. Ҳусусан, лойхаларни амала ошириш учун банклар томонидан кредит маблагларни ажратиш жараёнларида бў-



лацган бироркратик тўсиклар, сансалорлик ҳолатлари тўлиқ барҳам томмаган. Ҳозирги амалиётда кредит олини истагидаги тадбиркорнинг мурожаати 3 босқичда, яъни туман – вилоят – республика даражасида кўришади. Натижада жарасен айрим ҳолларда ойлаб чўзилиб кетини ҳолатлари кузатилмоқда. Шу боис банкларда кредит ажратиш масалаларини бир ва икки погонага ўтказиш, 70-100 нафар ходим ишлайдиган филиаллар ўрнига 10-15 нафар шитатдан иборат ихчам банк хизматлари марказларини кўпайтириши лозимлиги кун тартибига чиқди.

Бундан ташкари, тадбиркорликни ривожлантирища банклар томонидан ажратиладиган кредит фоиз ставкаларининг юкорилиги ҳам ўз тасдиқини кўрсатмоқда. Президент корори соҳада ҳали-хануз сакланиб қолаётган тўсикларни бартараф этиши, ҳусусан, тадбиркорларнинг кредит маблағларига бўлган эхтиёжларни қоплашга кўшимча имконият яратади. Хужжат билан 2019 йил 1 августдан бошлаб микрокредитнинг энг кўп миқдори 50 млн. сўмгача, микрокредит — 300 млн. сўмгача ва микролизинг — 600 млн. сўмгача оширилди. Шу пайт-

ланган кўчар мол-мулкни гаровга олиб, қиска муддатли кредитлар ажратили билан шугулашувчи юридик шахс ҳисобланади. Бугунги кунда республикамизда 48 та микрокредит ташкилоти ва 56 та ломбард фоалият юритмоқда.

## Ломбардларни лицензиялаш муддати кискарди

— Карорга мувофиқ, 2020 йил 1 январгача «Молиявий оммабонликини оширишининг миллий стратегиясини тасдиқлаши тўғрисидаги» Хукуматкорорга лойихаси шилаб чиқказади, — дейди Адлия вазирлиги бошқарма бошлиги Фуркат Тохисев. — Шунингдек, 2019 йил 1 августдан микроқарзнинг энг кўп миқдори 50 млн. сўмгача, микрокредит — 300 млн. сўмгача ва микролизинг — 600 млн. сўмгача оширилди. Шу пайт-

гача микроқарзнинг миқдори энг кам ойлик иши ҳақининг юз бараваридан, микрокредит эса энг кам ойлик иши ҳақининг минг бараваридан ошиши мумкин эмасди. Микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар фоалиятини лицензиялаш тўғрисидаги ариза 15 иш кунида кўриб чиқилиши белгиланди, аввал бу муддатдан 30 кундан иборат ёди.

Эндилиқда микрокредит ташкилотлари барча ишончи кредитларни улар шакллантирган устав фондига фоиз нисбатини мустакил белгилайди. Карорга мувофиқ, жисмоний шахсларга хорижий валотада кредит (карз) бериши ва мажбуриятларни хорижий валотада хисобга олиш, нобанк кредит ташкилотлар томонидан қиска муддатли микромилий хизматлар таъминотига кўчмас тураржой мулкни гаров сифатида кабул килиш тақиқланди. Аввалги

кредитлар бўйича қарздорлик бўлганида жисмоний шахсларга янги микромилий хизматлар кўрсатилмайди.

## Қонун лойихасида қандай янгиликлар назарда тутилади?

Марказий банк матбуот хизмати маълумотни кўра, айни пайтда микромилий хизматлар бозорини кенгайтириши, унинг иштироқчилари фаолиятини тартибга содувчи конуниччилик хужжатларини такомиллаштириши максадидга «Нобанк кредит ташкилотлари тўғрисидаги» қонун лойихасини ишлаб чиқшига киришилган.

Унда қонун хужжатларини халкаро андозаларга мувофиқлаштириш юзасидан микромилий хизматлар кўрсатилишинг илғор амалиётларини кўллаш, шу жумладан, хориж тажрибаси асосида кўрсатилётган хизматлар доирасини кенгайтириш мазкур хизматлар истеммолчилари нинг хукукларини химоя килиш нормаларини такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Қонун лойихасини тайёрлашда соҳага ихтиослашган халкаро молия институтлари ва хорижий молия ташкилотлари эксперлари тавсияларидан фойдаланилади.

Сирасини айтганда, янги корор йўналишдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш, хизмат сифатини ошириш ва тизимдан соглom ракобат мухитини шакллантиришга хизмат килади.

Садоқат МАХСУМОВА  
«Mahalla»

## МЕНДА САВОЛ БОР...

## Ломбардга берилган буюм йўқолса...

— Куз бошланганини қадар уйимизда қурилини қўймоқчи эдик. Шунинг учун ломбардга тақинчоқларини қўймоқчи эдим. Айтинг-чи, гаровга ёки саклашга қўйилган заргарлик буюмларидан фойдаланиш майдими? Агар заргарлик буюмлари ўйқолса, зарар ким томонидан қопланади?

Озода ЯХШИЕВА,  
Самарқанд вилояти.


Умода УЛУҒХЎЖАЕВА,  
Марказий банк бошқарма бошлиғи ўринбосари:

— Ломбард гаровга ёки сакловга қўйилган ашёлардан фойдаланишга ва уларни

тасарруф этишига ҳакли эмас. Ломбард гаровга қабул килинган ашёларни гаровга қабул килиш пайтида шунга ўхшаш ва шундай сифатли ашёларнинг нархларига мос баҳодаги тўлиқ суммасида ўз хисобидан гаровга кўювчи фойдасига сугурталаши қонун хужжатлари билан белгиланган.

Гаровга ёки саклаш учун топширилган мол-мулк йўкотилганда, агар йўкотиш енгиди бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ломбард гаров паттаси ёки саклаш паттасида кўрсатилган нарх бўйича унинг кийматини мол-мулк эгасига кайтарishi шарт.

Гаровга ёки саклаш учун топширилган мол-мулкка



зарар етказилган ҳолда, агар етказилган зарар енгиди бўлмас куч оқибатида юз берганлигини исботлай олмаса, ломбард мол-мулк эгасига, томонлар келишувига кўра, мулкий зарабни гаров паттаси ёки саклаш паттасида кўрсатилган мол-мулк нариҳидан ошмаган кийматда тўлаши шарт.

# Кооператив уй эгалари маҳалладаги қурилишлардан норози

ЁХУД ФАРГОНАЛИКЛАРНИ ҚИЙАЁТГАН МУАММОЛАРГА КИМ ЕЧИМ ТОПАДИ?

Таҳриртимизга Фарғона шаҳар Мирзо Улубек номидаги маҳалла фуқаролар йигинининг ёш авлод кўчаси бўйда умргу заронлик қилаётган Тоҳиржон Ибрагимов қўнироқ килди. Унинг айтишича, истиқомат қилаётган ҳовлиси этагининг шундок олдига тўрт қаватли тураржий биноси қурилаётган экан.

— Ўзабаб кўринг, тўрт қаватли тураржий ахоли хонадонидан нари борса, иккى метр оралиқда қурилаётгани қайси мантиқа тўғेर келади, — дейди фигони фалал бўйлан Тоҳиржон Ибрагимов. — Икки ийлдан бўён шу масалада амалий ёрдам бериниларни сўраб турли идоралар эшигини қўқамиз. Бирор «сен нима дейсан, нима қилишимиз керак» демайди. Дардингни айтсанг, «яхши, этага жойига бориб ҳаз қиласиз» дейишади. Бу масала юзасидан шаҳар ва вилоят ҳокимилигига, шаҳар кенгашни депутати, ҳатто, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳалқ қабулхонасига мурожаат қилидик. Ўтган йили Республика жамоатчилик назорати гуруҳи қуриларни билан бўлган юзма-юз мулоқотда ҳам бу масала кўтирилди. Аммо амалий ишга келгандага ҳеч ким, ҳеч нарса билмайди...

Маҳалла фуқаролар йигинидаги шаҳарсозлик борасида амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободончилар ишларидан кўзланган асосий маҳалла, ахоли фаронвлигини ошириш, турмуш шароитларини яхшилаш. Бир

караганда ҳаммаси рисоладаги-дек. Аммо ҳудуддаги ёш авлод кўчаси ҳусусий ҳовли жой эгалари, Ахмад Яссавий кўчасида жойлашган 39-А ва 41-А кўп қаватли уй-жой эгалари каршиларида қурилаётган тўрт қаватли бино қурилишидан норози бўлишмокда.


## Нега, нима учун?

Айни ҳолат билан танишиш мақсадида қурилиш ишлари олиб борилаётган ҳудудда бўлдик. Шаҳар ҳокимининг 2017 йил 25 сентябрдаги 1314-сонли карорига асосан, «Фарғона Умид юлдиз» МЧЖга берилган беш йўлак(подъезд)дан иборат тўрт қаватли уй қурилиши жадаллик билан олиб борилемокда. Эътиборли жихати, атрофи темир тўсиклар билан ўраб олинган қурилиш майдонида олиб борилаётган ишлар ҳакида бирор-бир маълумот йўқ. Ҳолбуки, ҳар қандай янги иншоот қачон ва ким томонидан қурилаётгани, бошланган ва якуплаш санаси, буюртмачи, пудратчилари ҳакидаги маълумотлар ахоли гавжум ҳудудларга кўзга кўринарли клип жойлаштирилиши зарур. Бу ерда эса...

## «Бинойидек уйимизда муаммолар кўп»

— Таъки томондан рисоладаги-дек кўринган ўйларимизда муаммолар кўп, — дейди «Жилвакор водий» ҳусусий уй-жой мулкодорлари ширкатлари уюшмаси раиси Рустамжон Умаров. — Асосий масала ҳудудда болалар учун ўйин майдони, кенгайтиради. Ачинарлиси, соҳза мутасаддилари ҳудуд ахолисини бу борадаги ишлардан хабардор қилиган ўйк. Натижада турли гап-сўзлар, тушиунчивиликлар келиб қишлоқда.

автомобиллар сақлаш жойи ўйк. Устига-устак сув, табиш газ, электр таъминоти, ўйл ва ўйлаклардаги носозликлар ахолининг ҳақи эътирозларига сабаб бўлмоқда. Чунки ўтган асринг 70-йилларида қурилган инфратузилма тармоқлари таъмиришга муҳтож. Йиға кўп қаватли уй-жой қурилиши эса мавжуд муаммолар кўламини



аниклик қиритиши. Аммо бу юзма-юз мулоқот турли баҳоналар билан пайсалга солинмоқда. Мавжуд муаммоларга қонуний очим тополмаган ахоли юкори идораларга арз қурилишга мажбур бўлмоқда.

— Мен, Ҳалқ қабулхонасига киришим керак, сиз бир мутахассис билан жойига бориб келасиз.

## Курувчилар қаерга кетди?

Айтилган тартибида уй-жой қурилиш майдонида бўлдик. Аммо бу ерда хеч кимни учратади олмайдик. Куни кечга енг шимариб гишт тераётган курувчилар сувга тушган тошдек гойиб бўлишибди. Мутахассис ҳам ахоли хонадон деворига жуда якин қурилаётган биноларни кўриб ҳайратини яшира олмади.

Сирасини айтганда, шаҳарсозлик ҳалқароининг бевосита иштирокчиси бўйлан архитектура ва қурилиш бошкармасида бўлдик. Бошкарма бош мутахассиси Шаҳбозбек Ҳайитбоевнинг айтишича, улар бу ерда бошлаб юборилган қурилиш ишларидан хабардор эмас. Ҳолбуки маҳалла ахли Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳалқ қабулхонасига ўйллаган хотига шаҳар архитектура ва қурилиш бошкармасида майдончалири ўйк эди. Эндиликда ҳудудимиздаги бўш турган жойларда 4 та болалар ўйин ва спорт майдончалари қуриши ишлари режалаштирилди. Бундан ташкири, ёш авлод кўчаси, 39-А 41-А уй эгалари кўттарган масала юзасидан Фарғона шаҳар ҳокими, Ғуқароларнинг ўзини ўзи бошқармиш органдар фаoliyati мувофиқлаштирилди. Бўйича шаҳар кенгаси раисининг биринчи урнгиси биринчи урнгиси ва бошқа мутасаддиларга бир неча бор мурожаат қилинганди. Маҳсад — масалани жойига келиб ўрганиши ва фуқаролар эътиrozларига сабаб бўлаётган масалаларга

— Бу борада сизлардан билгани келгандик. — Биз бундай ҳужжатлардан бўлмайди, курувчиларда бўлмаслиги амалга оширилишини нахотки, улар билмаса! Хўш, бинонинг кўриниши, мъеморий очими ва ахоли яашаш тарзига канчалик муносабиблигини мутасаддилар билмас, босха ким билди? Ҳуллас, саволлар кўп, жавоблар эса...

Замонавий, кенг ва шинам уй-жойларда яшашни ҳамма орузилади. Ғакат у ўзгалирнинг норозилингизга сабаб бўлмаслиги лозим. Ахолининг ҳақи эътирозига сабаб бўлаётган қурилишда қандай ўзгаришлар бўлади? Биз бу масалага яна қайтамиз.

— Бу борада сизлардан билгани келгандик.

— Бизда бундай ҳужжатлардан бўлмайди, курувчиларда бўлиши керак.

— У ерда қурилишга масъул бўлган бирор-бир кимсанни тополмайди.

— Унда билмадим, — елка қи-

## МЕНДА САВОЛ БОР...

### Бино қуришда оралиқ масофа белгиланадими?

— Тураржой, жамоат ва саноат биноларини қуриш нормалари, оралиқ масофалари ҳандай белгиланади?

Мухаррам ОТАБОЕВА,  
Фарғона шаҳар,  
Ёш авлод кўчаси 41-й.

Авазбек ҲОЛМАТОВ,  
Фарғона вилояти Ўнгин  
хавфисизлиги бошкармаси,  
мъёрий-техник гурух  
катта мухандиси, милиция  
майори:

— Бино ва иншоотлар орасидаги масофа, деб ташки дөвр ёки бошқа конструкциялар орасидаги ёруғлик масофа хисобланади. Шаҳарсозлик нормаларига кўра, тураржий бинолари, жамоат

ва саноат бинолари ўртасидаги масофа қўёш нурининг тушиши ва ёритилганликни хисоблаш асосида, асосий тураржий бинолари ва хонадонлари ённага ҳовлиларнинг кўринини чегараларни, шунингдек, ёнгинга карши талабларга мувофиқ тарзда бўлиши талаб этилади. Кўп хонадонли тураржийларнинг узун томонлари ўртасидаги масофа кўйидагича кабул килини лозим.

Баландлиги 2 ёки 3 қават бўйлан тураржий уйлари утун 15 метрдан кам бўлмаган, 4-5 қаватлилар учун 25-30 метрдан кам бўлмаган масофа талаб этилади. Шунингдек, яшаш хоналарида деразалари бўлган ушбу биноларда узун ва ён томонлари учун 10 метрдан кам бўлмаган масофа керак бўлади.

Ўзбекистон – Туркменистан давлат чегараси демаркацияси бўйича музокаралар бўлиб ўтди.

Расул КАМОЛ  
«Mahalla»

# Эшак гўшти сотган «бизнесменлар» қўлга тушди

ХЎШ, ВИЖДОНИНИ ПУЛГА АЛМАШГАН КИМСАЛАРДАН СИФАТСИЗ ГЎШТ МАҲСУЛОТЛАРИ МУСОДАРА ҚИЛИНМАГАНИДА, «ЁПИҚЛИК ҚОЗОН ЁПИҚЛИГИЧА ҚОЛГАНИДА» УЛАР КИМНИНГ ҚОЗОНИГА БОРИБ ТУШАРДИ?

Гўшт нархининг ошгани кўпчиликни ташвишга солгани аник. Аллақачон юртимиз бозорларида гўшт маҳсулотлари нархини имкон қадар барқарорлашириш чоралари кўрилмоқда. Аммо айрин ўринларда уларнинг сифат билан боғлиқ муммоялар кўзга ташланётгани кишини таажубуга солади. Баъзи оғир «ишибармонлар» визитидан фойдаланиб, истеъмолиларга арzon нархда, бироқ сифатсиз гўшт маҳсулотларини етказиб беришга уринмоқда. Бунда айрим мутасадди шахсларнинг ўзи уларнинг тегиромонига сув қуёйтани, яъни шахсий манфаат эвазига бундай кимсаларни фаолиятини кафолатлови соҳта ҳужжатлар тайёрлаб берётгани, айницида, ачинири ҳолдир.

## 892 килограмм истеъмолга яроксиз гўшт қаердан пайдо бўлди?

Якинда Бош прокуратура хузуридан иктисадий жиноятларга карши кураши департamenti Навоий вилояти бошқармаси томонидан фирибаграсобларнинг кингиришларига чек кўйилди. 2019 йил 18 июль куни ўтказилган тезкор тадбир давомимда Кармана туманида яшовчи 3 нафар кассоб ўзаро тил бириттириб, инсонлар хаёти ва соглиги хавфсизлиги талабларига мутлақо жавоб бермайдиган, умумий микдори 892 килограмм истеъмол учун яроксиз гўшт маҳсулотини 12 миллион 396 минг сўмга соғтаётган вактида далилий ашё билан кўлга олинди.

Ажабланарлиси, тадбир давомида ушбу фуқаролар вилоят хайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази раҳбари ҳамда бактериология бўйими бошлиғи томонидан имзоланган ҳайвон гўштларининг истеъмолга ярокли экани хакидаги расмий ҳужжатни кўрсатди. Маълум бўлишича, бу ҳужжат ҳам мўйайгини пул эвазига тайёрлаб берилган. Яъни ушбу хизмат учун марказ раҳбарига унинг ўғли оркали 850 минг сўм, бактериология бўйими бошлиғига эса 130 минг сўм пора берилган. Даҳшатлиси, маҳсулотлар орасида эшак гўшти ҳам борлиги аён бўлди.

Мазкур ҳолат бўйича Департаментнинг Навоий вилояти бошқармаси томонидан касобларга нисбатан ЖКнинг 186-моддаси 1-кисми, вилоят хайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат маркази мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг 209-моддаси 1-кисми билан жиноят иши кўзатилиб, прокуратура органларига юборилди.

Хўш, юкоридаги вижденини пулга алмашган кимсалар олди-сотдиси объекти бўлган

сифатсиз гўшт маҳсулотлари тегишили тартибда мусодара килинмаганида, «ёпиклиқ қозон ёпиклигича колганида» кимнинг қозонига бориб тушарди? Албатта, истеъмолга яроксиз бу маҳсулот, хусусан, эшак гўшти бозорга чиқарилмасди, у хуфёна тарзда умумий овқатланиш нутқаларига, оҳонларга тарқатилган. Турган гапки,



«шоввоз»лар бу «операция»ни биринчи марта бажаришмаган. Аввал ҳам бундай кингирилларга кўл уришган. Афуски, кимлардир ўзлари бехабар холда уларнинг бу килмиши «курбони» бўлган, санитария талабларига жавоб бермайдиган, боз устига, мукаддас динимизда ҳаром хисобланган ҳайвон гўштини истеъмол килиган.

— Диний манбаларда эшак гўшти ҳаромлиги айтилсан, аммо бунинг сабаби кўрсатилмаган, — дейди Навоий вилояти бош имом-хатиби Тоҳир Рӯзив. — Ҳақ томонидан ман қилинди, мусулмонман, деган инсон бунга амал қилиши шарт. Шунингдек, ҳаром қилинган эшак гўштини ўзи билмасан ҳолда истеъмол қилиган киши гуноҳкор бўлмайди, аммо ба тақсилган маҳсулотни билдиришмай, бошқаларнинг истеъмол қилишига сабаби бўлгандар катта гуноҳкордирлар.

Эшак гўштини истеъмол килиб бўлмаслиги-ку аён. «Учар кассоблар» пуллётган сифатсиз мол гўшти-чи? Бу маҳсулот ҳам истеъмолига фойдаладан кўра кўпроқ зарар етказиши айни ҳакикат. Зоро, тарихга

назар ташласак, инсоният турили ҳавфли юкумли хасталиклардан азият чеккан. Бундай касалликлар кўзғатувиларининг 75 фози хайвонлардан одамларга юқади. Жумладан, касалланган ҳайвон гўшти ва гўшт маҳсулотлари истеъмоли бу каби хасталикларнинг ривожланishiша сабаб бўлуди.

## Бозордаги гўшт қанчалик сифатли?

Бугун Навоий шаҳридаги «Саховат» маъсулияти чекланган жамиятига карашли бозорлarda mol гўштининг 1 килограммини 35 минг сўмдан 45 минг сўмгача ҳарид килиш мумкин. 45 минг сўмлик гўшт олий сифатли экани рангидан аён, уни қозонига солиб, бир қайнатишнинг билан пишиши. Аммо 35 минг сўмлик



шўстни пиширганинг сайни гўёни резинага айланади. Шундай бўлса-да, бозорда аввал ана шу арzon гўшт тугайди, ҳаридорларнинг аксарияти имкон кадар 35 минг сўмлик гўштдан ҳарид қилишиади.

— Фаррош бўлиб шилайман, 620 минг сўм маош оламан, турмуш ўртогум эса қоровул, унинг ҳам ойиги 700 минг сўмга бормайди, — дейди ўзини Гулсара Бердиева деб таништирган аёл. — Шаҳарда, кўп хонали ўйда яшаймиз, уч фарзандимиз мактабда ўқиёди. Маошдан бошқа даромадимиз ўй. Шу бое ҳафтада 2 килограмм арzon гўшт оламан. Аввалини арzon гўшт 30 минг сўм эди, иккى ойдирки, 35 минг-

га кўтарилиди, нарх шундай ошиб турса, ҳафтасига бир кило олсан керак.

Суҳбатдомизнинг айтишича, «катта кассобхона»да сотилаётган, яъни умумий растадаги арzon гўшт «Элга хизмат» растасидаги сифатлироқ экан. У «Элга хизмат» растасидаги гўшт ўн соат кайтасга ҳам пишмаслигини айтди. Айни пайтда эса Навоий шаҳридаги «Марказий дехон бозори»нинг «Элга хизмат» растасида хеч кандай гўшт сотилмаяпти. Буни «Саховат» МЧЖ мутасаддилари ичкарида арzon гўшт борлиги билан изоҳлашиди. Аслида эса умумий растадан ташкири, «Элга хизмат» растасида арzon ва сифатли гўшт маҳсулоти бўлшини шарт.

## Гўштнинг нархи нега кўтарилиди?

— Аввалини тилда иккита новвос семиртириб, қассобга сотардим, қишилгизидаги ҳамма пенсионерлар шундай қиларди, ҳамиди бир ҳўқиз семиртиради, — дейди Навоий бахор туманидаги «Коражон» маҳалласидан Каромат ота Сапаров. — Кейинги пайтда

билиган кишлоқ ахли бугун бу юмушни самарасиз хисобланмоқда. Чунки чорва озукаси чиндан ҳам киммат. Хисобкитобларга кўра, уч ой она сути билан бўклигдан бузокча новвосга айланни учун кунинга уч махал 2 килограмм шрот, шунчак эм ейши лозим. Бундай ташкири, унга кунига бир махал беда ёки ҳашак ҳам берилади. Тўккис ой ана шундай бўклигдан коромал бир ёнга тўлғанида 100 килограмм олий сифатли гўшт берадиган новвосга айланади. Айни пайтда Навоийда шротнинг килоси 2 700 сум, кунжаранинг килоси 3 100 сум, сим 1 100 сум, бир боя сомон 8 000 сум бўлса, бир боя бедани 12 000 сумга олиш мумкин.

200 килодан ортик гўшт берадиган йирик новвосни семиртириш учун камида тўрт ой бокиши керак. Бунинг утун бир кеча-кундузда унга уч маҳал — 4 килограмм кунжара, 2 килограмм шрот, 7 килограмм эм берииш лозим. Орада уч марта беда ёки сомон ҳам берилади. Энди ўзингиз хисобланг, новвоснинг бир кунлик емиши учун 60 минг сўмгача ҳаражат килинча, бир кило гўшт канча бўлшини мумкин?

Хулиас, чорвадор бир молни эт олдириб, пичокка илинадиган килгунча 4-5 ой бокиши тио, аммо хозир шаронтда меҳнатига яраша даромад киломаяпти. Бу ҳолат мол бокиб, кам-кўстимни бутлайман, деган одамнинг шаштини синирмокда, натижада эрасида новвос семиртирувичлар камаийиб кетяпти. Кайси маҳсулот такчиз бўлса, табиийки, нархи ошиб боради. Демак, гўштнинг нархи кўтарилишига масзур омил ҳам сабаб бўләтири.

Инсон саломатлигига у истеъмол киладиган маҳсулотлар мухим аҳамият касб этади. Хусусан, гўшт сифатли маҳсулотлари камконликнинг олдини олишида муҳим роль ўйнайди. Афуски, бугунги шаронтда юртимиздаги ҳамма рўзгорлар ҳам кунинга гўшт соляпти, дея олмаймиз. Бу ўринда энг муҳим, кимлардир ўз манфаати йўлида сифатсиз, ҳаёт учун ҳавфли ва динимизда ман килинган гўшт маҳсулотларини пуллашига йўл кўймайлик.

Холбibi САФАРОВА  
«Mahalla»

# Избосканда мактаб формаси можарога айланганми?

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ МУДИРИ БАРЧА ХАБАРЛАРНИ РАД ЭТМОҚДА

Сўнгти вактларда кўп муҳокама қилинаётган мавзулардан бирি мактаб формаси, десак мубоблағ бўймади. «Форма тикиладиган матонин сифати қандай? Бичими ўқувчиларга, миллий менталитеттинизга мосми?» Барча мактабларда ўрнатилган қоидаларга амал қилинадиган? Ота-она мактаб томонидан тавсия этилган формаларни сотиб олишга мажбурми ёки ўзи мустакил харид қилиши, тикириши ҳам мумкинми?» каби саволлар ва уларга бидорилган жавоблар кимнинди қониқтирса, яна кимдир билдирилган фикрларга қарши чиқмоқда.

**Халқ таълими бўлими мудири мактаб формасини мажбурлаб соттиримокда.**

**Шу ростми?**

Ҳабарингиз бўлса, 2018 йилнинг 15 август куни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиликни замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги карори қабул қилинган эди. Унга кўра, ўрга таълим муассасалари ўқувчиларининг замонавий ягона мактаб формасини кийши 2018-2019 ўкув йилида ихтиёрий, 2019-2020 ўкув йилидан эса мажбурий этиб белтилганди. Аммо кейинчалик карорга ўзгартриши киритилиб, аввалини «муддат узайтирилди» ва 2024-2025 ўкув йилидан ягона мактаб формаси мажбурий бўлиши белтилди.

Янги ўкув йили якнилашгани сайнин ушбу мавзу муҳокамаси яна жонланмоқда. Ҳатто, бъази чет эн оммавий аҳборот-воситаларида айрим мутасадди раҳбарлар худудларда эгаллаб турган лавозимидан фойдаланили, янги мактаб формасини жорий этиши бўйича тури ноконуний ҳатти-харакатларни амалга ошираётгани, хусусан, ота-оналар битта тадбиркордан киммат нарҳда форма сотиб олишга мажбуланаётгани тўғрисида «2019-2020



каломокда. Интернетдаги янтиликларнинг бирида фуқаро шундай ёзди:

«Андижон вилояти Избоскан тумани ХТБ мудири мўмай пул топши максадида туман бўйича бир хил мактаб формасини ота-оналарга мажбурлаб соттиримокда. Форма бозорларда 1-6 синфлар учун 160-180 минг, 7-11 синфлар учун 200-220 минг сўмдан соттиримокда. Раҳбар айтган тадбиркор эса 1-6 синфлар формаси учун 200 минг, 7-11 синфлар учун 250-270 минг сўм нарҳа белгилаган. Шу адодатданми?!»

**«Бу маълумотни ким ва нима максадда тарқатганини билмайман»**

Ушбу маълумотлар канчалик ҳақиқатга якин эканини билиш максадида масъулларнинг фикрлари билан кизиқиди:

— Бугунги кунда туман ҳалқ таълими бўлими тасаруфидаги жами 49 та умумий ўрта таълим мактаби ва 3 та Давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида 39 мингга янги ўқувчи таҳсил олади, — дейди Избоскан тумани ҳалқ таълими бўлими мудири Сардор Гофров. — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тасоёқланган шакллардаги мактаб формаларини таълим муассасаларида жорий 2019-2020



ўкув йилидан иштиёрий ва 2024-2025 ўкув йилидан бошлиб мажбурий эканлиги» ҳақида Ўзбекистон Республикаси ҳалқ таълими вазирининг 2019 йил 22 июнь кунги 208-сонли бўйргуи ишлаб чиқилди. Ушбу ҳужжат барча таълим муассасаларига етказилиб, ижероси юзасидан таълим масакни ота-оналар қўймасида расислари билан биргаликда ўқувчиларни ота-оналари ўртасида тушунтириши ишлари олиб борилди. Бугун мактаб формасини харид қилиши барча ота-оналар томонидан иштиёрий амала оширилмоқда. Ҳеч ким «битета тадбиркордан форма сотиб оласа», дей мажбурланаётгани ўйқ. Шу боис чет эн интиёрни нашарларида халқ барлар асосга эга эмас. Буни ким ва нима максадда тарқатганини билмайман. Кола-верса, ўрнатилган тартибиба кўра, туман ҳалқ таълими бўлими масъул ходимлари, мактаб директорлари ва синф раҳбарлари ягона мактаб формаси саёдси ёки бошқа бичимдаги формаларни марказлашганд ҳолда жорий этиши, ташкил қилиши тақъиланган.

**«Авваллари форма масаласида тури тушунмовчиликлар бўларди, ҳозир эса...»**

Ушбу масалада ота-оналарнинг сўзларига ҳам кулок тутдик.

— Фарзандим Туячи қишилогидаги 45-умумтаълим мактабининг 2-синфидаги таҳсил олади, — дейди Тиллахон Соткинбоеев. — Юртимиз ўрта таълим мас-канларида ягона мактаб формаси жорий қилинши бил, ота-оналарни хурсанд қилиди. Бонси бу тартиб ўқувчилар ўртасида ижтимоий тенгликни мустаҳкамлашга ва сифатли таълим-тарбия олини учин шароит яратишга хизмат қилиди. Ўтган ўкув йилида қизим чөвар тиксан формани кийиб, мактабга қатнаганди. Бу йил бозордан олиб бермокчиман. Тўғрисини айтсан, аввалини таълим масакни раҳбарлини ва ота-оналар ўртасида форма сотиб олиш, уни тикириши масаласида турли тушунмовчиликлар бўлар эди. Аммо

хозирда бундай муаммоларга ўрин қолмаган. Шахсан қизим ўқидиган мактабда директор ва синф раҳбарлари томонидан ота-оналардан пул ишеги, формани мажбурлаб сотии каби ҳаракатлар содир бўлгани ўйқ.

**Тадбиркорларнинг муаммоси қачон ҳал бўлади?**

Шу ўринда мактаб формасини тикувчи тадбиркорларни кийнаётган бир масалага ҳам тўхталиб ўтсан. Юкорида таъкидланганидек, 2018 йил 15 августдаги

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси карорига мувофиқ, ўрга таълим муассасалари ўқувчиликнинг замонавий ягона мактаб формасини кийши дастлаб, 2019-2020 ўкув йилидан мажбурий этиб белтилганди. Бирок кейинчалик карорга ўзгартриши киритилиши ва формани мажбурий жорий этиш муддати узайтирилиши тадбиркорларга нокулайликлар келтириб чиқарди. Шу кунгача узар захири матоларини сотиб олгани, тикув ишларини бошлиб юборгани, аммо эндиликда керакли харидор йўклиги уларни хавотирга солмоқда.

— Шу кунгача иккичилик нафар ўқувчи учун мато захираси шакллантиришибди. — дейди «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси юкори қўшилган кийматли тайёр маҳсулоти ишлаб чиқарини кенгайтириши бўлими бош мутахассиси Замира Йунусова. — Ҳамто, 700 мине нафар ўқувчи учун маҳсулот тикиб ҳам қўйиланди. Аммо мактаб формасини жорий ўкув маҳсумидан мажбурий табтиб этиши масаласидан иштиёрий амала оширилмоқда. Ҳеч ким «битета тадбиркордан форма сотиб оласа», дей мажбурланаётгани ўйқ. Шу боис чет эн интиёрни нашарларида халқ барлар асосга эга эмас. Буни ким ва нима максадда тарқатганини билмайман. Кола-верса, ўрнатилган тартибиба кўра, туман ҳалқ таълими бўлими масъул ходимлари, мактаб директорлари ва синф раҳбарлари ягона мактаб формаси саёдси ёки бошқа бичимдаги формаларни марказлашганд ҳолда жорий этиши, ташкил қилиши тақъиланган.

Аслида бундай шароитда ишлаб чиқарувчиликнинг «сингиб қолмасиги учун маҳаллий ҳоқимият вакиллари, туман ҳалқ таълими тизимида мастиуллар имкон доирасида уларга амалий ёрдам бершилари лозим. Албаттa, маъжуд муаммола ижобий ечим топши, тадбиркорларни кўйилаб-кувватланиши максадида ўюшма томонидан дукуматга тегизли таслифлар кўритилган. Ўйтайманлики, яки орада мазкур масалага биргаликда ечим топа оламиш.

Бутун инсонларнинг билими ва малякаси жамиятнинг иктиносидий ва ижтимоний ривожланишини аниқловчи мухим омилга айланди. Шу боис дунёнинг кўйилаб мамлакатлари катори юртимизда таълим тизимини ривожлантириш, соҳадаги муаммаларни бартараф этишига катта кўнса сафарбар этилмоқда. Ишонамизки, мамлакатимизда амалга оширилётган бу ислоҳотлар якин йилларда ўзининг ижобий самарасини беради, албатта.

Сайдулло ТУРСУНОВ  
«Mahalla»

**МЕНДА САВОЛ БОР...**

**Мактаб формасига олдиндан пул йигиладими?**

? — Уч нафар фарзандим мактабда таҳсил олади. Яқинда қўшиним «бу йил мактаб формаси учун ота-оналардан олдиндан пул тигиларкан», деб қозди. Айтинг-чи, шу тўғрими?

Шаҳодат ЗОКИРОВА,  
Учкудук шахри.

**Ихтиёр МАХМАТҚУЛОВ,**  
Ўзбекистон Ҳалқ таълими вазирлиги бош мутахассиси:

— Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 августдаги карорида «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси мактаб формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотлар рўйхатини худудлар бўйича шакллантириши, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши,

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоқимликлари «Ўзтўқимачиликсаноат» ўюшмаси билан биргаликда республикинг ҳар бир туман (шаҳар) марказининг аҳолига кулагай жойларида мактаб формасини ишлаб чиқарувчи ташкилотларнинг савдо шохобчаларини ташкил этишлари белгиланган. Шунингдек, савдо шохобчаларининг жойлашиш манзилларини оммавий аҳборот-воситалари оркали эълон килиниши айтиб ўтилган.

Ўрнатилган тартибиба кўра, мактаб директорлари ёки синф раҳбарлари томонидан ягона мактаб формасини сотиб олиш жараёнга аралашви ви шу максадда ота-оналардан пул йигиси катъян тикиланган. Ота-оналар фарзандлари учун янги формани ташкил этиладиган савдо шохобчаларидан сотиб олишилариз.

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки Ўзбекистонга 100 миллион АҚШ доллари ажратди.

# Илгирлик фирибгарликми ёки...

ЙИЛЛАР МОБАЙНИДА НАРСАНИНГ ТУРИБ ҚОЛИШИ МУМКИНМИ?

Ўзбекистонда фолбину илгирлар тўғрисида статистик маълумотлар юритилмаслиги боис бугунги мавзумизни яқин кўшнilarimizdan – Россия Федерациясида аҳоли бу каби лўттибозларга сарфлайдиган маблағлари тўғрисидаги маълумотдан бошлаймиз.

Мамлакат шифокорларининг хисоб-китобларига кўра, руслар фолбин кохин ва экстрасенслар хизмати учун ҳар йили 30 миллиард АҚШ доллари миқдорида пул сарфлар экан. Бу хол Россия тибибет ривожига жиддий халал бермоқда. Мазкур маблағнинг жиллакурса ярми замонавий тибибетга жалб килинса, мамлакат соҳада мисли кўримаган даражада тарақкий этган бўларди.

Хўш, бизда-чи — Ўзбекистонда вазият қандай? Худудларимизда илгир, фолбин, «исик-совуқчи», хуллас, барча дардлар, муаммоларни бартараф этишин даъво килаётганлар кўпайтидан-кўпайтганни сир эмас. Ўтган йиллар мобайнида замонавий тибибетимиз, малакали табобат аҳолининг ишончини бир қадар ўйкотгани, баъзи одамларнинг тибий маданияти етарили даражада шаклланмагани фирибгарларининг тегирмонига сув кўймокда.

## Машинка тасмасининг жодуга нима алоқаси бор?

Тахририятимизга Тошкент вилояти Нурафон шахрининг «Обод» маҳалласидан бир гурух фаоллар мурожаат килиб, худудда ана шундай фирип ишлари авж олаётгани, мутасадиларни бунга ортидан караётганини билдири. Мурожаат юзасидан журналист сурхишируви ўтказдик.

Ҳақиқатан ҳам, маҳалласизда илгирлик билан шугулланувчи фуқаро Фотима Эргашева истикомат қиласди, – дейди «Обод» маҳалласи раиси Соатжон Чуратаев. – Ҳар куни эрта тоңедан унинг уйи останасида фарзанд кўрмайтган, мұхаббат мөжасарларига очим исташтаган дәллар, сараторига чалишган таборкор ва ҳақозолар тўпланди. Ҳамто, марказий поликлиника олдида бунча навбати кўрмайтсан. Баъзи қўшиларимиз ҳам унинг қабулида бўлган. Айтишларича, турмуши ўртоги билан ҳамкорликда ишлар экан. Илгир бемор ёки муммосига очим сўраб келганларни оғизигина оғизига кўл тикиб, томогидан тирник, соч ва яна нималарни олб ташлайди. Бу нарсаларни кимдир ёмонлик қилиши учун, искуду ўйли билан томогига жойлаганини уқтиради. Ўша одамнинг тахминий қиёфасини тасвирлаб беради. Масалан, «бўйи бағанд, қора сочи, 25 ёшли, чирояи жисун», деб. Ҳамманинг ҳам шу каби умумий ўлчамларга мос тани-



## УЛАМОЛАР НИМА ДЕЙДИ?

### Дуо – ҳар дардга шифо

– Ислом динида илгирлик деган нарса йўқ. Тўғри, кўз тегиси бор. Яна сеҳр таъсир қилиши мумкин. Сеҳр, ҳасад, кўз тегиси ва турли васвасаларга қарши ҳар куни «Бақара», «Ихлос», «Фалақ» ва «Нос» сураси ўқилади ёки эшитилади. Кейин сувга дам солиб ичса ҳам бўлади. Қолаверса, кўп-кўп истиғфор айтса, Пайғамбаримиз соплалоҳу алайҳи ва салламага салавот йўллаш, Аллоҳга дуо қилиш билан муммолосардан кутилиши, қалб хотиржамлигига эришиш имкони бор.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анху Расулуллоҳ соплалоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қиласди: «Кимда-ким кўп истиғфор айтса, Аллоҳ ўша (банд) учун ҳар қандай ғамташиш ва танглиқдан чиқиш ўйлини (пайдо) қиласди, уни ўзи ўйламаган томондан ризқлантиради» (Абу Довуд, Аҳмад, Табароний ва Ҳоким ривоят қиласди).

**Жасурбек қори РАУПОВ,  
Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги  
Ислом ота масжиди имом-хатиби.**

Улар менга гувоҳнома бернишган, «печати», имзоси ҳам бор.

### «Ҳалқ табобати академияси» қандай ташкилот?

Шу ўринда «Ҳалқ табобати академияси» МЧЖ қандай корхона экани, мазкур ташкилот томонидан берилган ҳужжатининг имкониятларига тўғтилиб ўтсан. Зоро, кейинги пайтларда кўпчилик фолбини, исик-совуқчилар ҳам МЧЖ номига таяниб, ўзига илмий маком ясашга уринаётгани, шу йўл билан одамларни лакка тушираётгани бор гап.

– «Ҳалқ табобати академияси» МЧЖ ҳуқуқи жиҳатдан таборкорлик субъекти ҳисобланади, – дейди МЧЖ раҳбари Мехринисо Нурузова. – Биз берган гувоҳнома лицензия эмас. Гувоҳномамиз табибларни фойлият билан шугуланаётган инсонга, масъулчиги чеклансан жамиятимизга сўзюлук ҳуқуқини беради. Аъзоларимиз, буз томондан ишлаб чиқарлаётган турли дарвори гўёллардан тайёрланган маҳсулотлар сабодоси билан шугуланишлари мумкин. Бу уларга сеҳр-жоду қилиши, таҳжирбадан ўтмagan даволаси усулларини кўлаш ҳуқуқини бермайди. Шундай ҳолат кузатилганида, фирибзар зудлик билан азъолидан маҳдум қилинади. Гувоҳномамизнинг амал қилиши муддати ҳам иккى ой ҳисобланади. Нурафион шаҳрилик Фотима Эргашевага расмий рўйхатдан ўтганмади.

корхонаси рўйхатдан ўтган. У барча солиқларни тўлаб боради. Аммо Фотима Эргашева солик тўлажани тўғрисида бирор маълумот ўйқ. Илгирлар, фолбинларинг фаолиятини ноконуни таборкорлик, деб баҳоласак, улар кераки тартибда жаримага тортапши лозим бўлади. Фирибгарлик ёки аҳоли саломатасига зарар етказадигани бўйича ичка ишлар, диний идорасига ва соглини сақлаши бошқармаси шугулланади.

### Тиббиёт нима дейди?

– Томонда бирор нарсанинг узоқ муддат тиқизи қолиши тиббиётда жеда кам учрайдиган ҳолат, – дейди Нурафион туман соглини сақлаши бошқармаси раҳбари Зулхумор Мирзасаидова. – Олма пўчиги ёпишган ёки қўлатдан тиқизланган таҳдирида ҳам, у ё тезда қоринга ўтиб кетади ёки қаттиқ иситма бериб одамни докторга боршига мажбур қиласди. Ҳар қандай дингломи шифокор турб қолган нарсанни, стерил раввишида, бир дакиқада олиб ташлайди. Шундан сўнг иситма пасайб, белор ўзини яхши ҳис қиласди. Илгирлар иддоа қўладигандек ўйлар мобайнида томонда бирор нарсанинг турб қолини ажад боради. Тиббиёт ўз таркибида бунга дуч келмаган. Шу боси ишларининг гаплари ҳақиқатга тўғри келмайди. Туманда шундай фаолият билан шугулланадиган фуқаро борлиги тўғрисида эшитмасдан. Бу гиена қондадарини кўтоль раввишида бузни бўлиб, аҳоли саломатасига ҳаф остига кўяди. Биз (албетта) туман хотин-қизлар кўмитаси, дини уламолар билан биргаликда бу ҳолатга чек қўйини бўйича ишларни бошлаймиз.

### Рахбарлар нега бехабар?

Шу ўринда тумандаги раҳбарлар йиллар мобайнида уйидан туну кун мижоз узилмайдиган, ўзи иддоа қилишича, чет эзларда ҳам ихлосмандири бўлган илгир ҳақида хеч нима билмасликлари ажабланарли эканини таъкидламоқчимиз. Илгир истикомат қиласиган худуд профилактика инспектори esa бу масала билан бошка идоралар шугулланиши кераклигини айттиб, сухбатни кисса қилди.

Махалла раиси Соатжон Чуратаевнинг айтишича, илгиринг ишларидан барча бирдек хабардор. Зоро, масалага туман ва вилоят ҳокимиликни даражада катор мажлислирда тўхталиб ўтилган. Аҳоли саломатасига зарар етказувчи бу каби фирибгарликни чек қўйилиши лозимлиги таъкидланган. Масалу ходимларга топшириклар хам берилган. Аммо куйин мансабдорлар шуммога очим топшиши негадир шошилишмаятни.

**Улугбек ИБОДИНОВ  
«Mahalla»**

Ўзбекистонлик ўқитувчи АҚШда болалар боғчаси очди.

# Дафтардаги дардларим

ЁХУД ЗАМОНАВИЙ ДАФТАРЛАР МУКОВАСИДА БЕРИЛАЁТГАН СУРАТЛАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ТАРБИЯСИГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР КЎРСАТАДИ?

«Янги ўқув йили бошланишига ҳам оз фурсат қолди. Шу боис тунов куни фарзандларимга дафттар олиш учун бозорга кирдим. Бозор тўла маҳсулот бўлгани билан орасида сифатларни ҳам, сифатларни ҳам бор. Баъзиларининг бўёғи кўплигидан кўлга ёпишади. 18, 48, 96 варакли муковаси расмлар билан «безатилган» дафтарларни расмлар галереясилик томоша қиласиз. Унда нималар акс этмаган дейсиз. Голливуд киносининг юлдузларидан тортиб, дўнёга машҳур футбол жамоалари, алмойи-алжони либослардаги футболнчилар, мультифильм қаҳрамонлари, анвойи гуллар, кўғирчоқларгача бор».

— Ўх-хўй, буларнинг кайси бирини харид килсан бўлади? — дедим бошим котиб.

— Болангиз бошлангич синфа ўқиса, мультифильмлар, кўғирчок, гуллар тасвирланганини, юкори синфа бўлса, автомобиллар, кино қаҳрамонлари, чет эллик актёрлар сурати туширилганини, — деди сотовуч.

Мен муковасига Алишер Навоий, Беруний сурати туширилган 12 варакли дафтарларни танладим.

— Яхши, бирор бу уларга ёқаслиги мумкин, — деди сотовуч дафтарларни ўраб бераркан.

Сотовучи ҳақ экан. З-синфа ўқидиган ўғлим дафтардаги суратларни кўриб, ковоги осилди. Айтишича, бунака

— деди пойтахтимиздаги 300-умумталим мактаби ўқитувчи Дијором Хайдарова. — Чунки ўқувчи дафтарини бир кунда камида тўрт марта кўлига олади. Ҳар гал унга қарашанини диккати бўлинади, чалгайди. Дарсни тинглашдан кўра расмлардаги қаҳрамонлар ҳақида ўйлай бошлайди. Шу боис мактабларда дафтарларнинг барчанини бир хил — оқ қозоз билан муковаси лозиз.

## Фойда ҳаммасидан мухимми?

— Фарзандларимга дафттар харид қилаётганимда биринчи наубатда, уларнинг сифатига эътибор қиласаман, — деди пойтахтилик Ироди Умарова. — Уларнинг кўнглигига қарасани

чора-тадбирлари тўғрисида»ги карорида республика таълим мусассасаларини ёзув дафтарлари билан таъминлашни такомиллаштириш, миллый маънавиятимизга зид ҳамда сифатиз ёзув дафтарларининг республикага келтирилишининг олдини олини ва сотилишини такидаш каби бир катор вазифалар белгиланган.

— Ўрнатиган техник регламент ва стандартга кўра, 12 варакли дафтарнинг вазни 70-80 граммли қозодиздан тайёрланган бўлиши керак, — деди «Ўстандарт» агентлиги ходими Абдурауф Расулов. — Афсуски, буғун бозорларни миздаги сотишётган айрим дафтарлар 45-50 граммли қозодлардан тайёрланган. Шифокорларнинг фикрича, бу фарзандларимизнинг соглигига, айниқса, кўриши қобилиятига жиддий зарар етказади. Қолаверса, сифатиз қозоз ва рангли, маркибидан турли кимёвий моддалар бор қозодлар янада жиддий касалликлар олиб келиши мумкин.

Шу боис стандартга мос келмайдиган сифатиз ўқув куроллари ишлаб чиқарётган, уларнинг савдоси билан шугулланётган тадбиркорларни қонунга мувоғиғ иши олиб борши бўйича огоҳлантириб борамиз.

Дафтар ишлаб чиқарувчи корхона истеммолчи ёшини хисобга олган холда ҳар бир фанга мўлжалланган, ўша фанинг ўзига хослигини акс эттирадиган расм ва маълумот ёки кўпайтириш жадвали, имло коидалари, формула ёки тенгламалар жойлашган дафтарлар ишлаб чиқаришин кўпайтирса, максадга мувоғик. Бундан ташкин, улуг алломаларимизнинг фикри, шеърий мисраси, доно ўтити, ҳалқ маколлари билан дафтар муковаси тўлдирилса, бу ҳам фойдадан холи бўйлади. Шунингдек, болаларнинг ватанни севишга, мардликка ундовчи, тарихий шахсларимиз, меъморий обидаларимиз, гўзал шахзарларимиз акс эттируви расм, табиат ёлгорниларни. «Кизил китоб»га киритилган хайвонлар, ўсимлик турлари билан бешитилган дафтарлар тўкучининг билимини оширади, соғлом турмуш тарзини тарғиб қиласи, руҳини кўтарили.

**Дафтарми, хатарми?**

Битта дафтardан шунчага давро туғилгани боис мавзу юзасидан мутахассисларнинг фикри билан кизикдик.

— Ўқувчиларга мўлжалланган умумий дафтарлар муковасидаги турли-туман суратлар тижорат учун кўзайдир, аммо боланинг тўлашонли маълум олишига ҳалал беради.

## Сифатлиз дафтар — саломатликка хатар

Вазирлар Махкамасининг 2009 йил 18 августа қабул килинган «Истевъом бозорини ёзув дафтарлари билан таъминлашни тартиба солиши

Олдингдан оқкан сувнинг...

— Яқинда архивимдаги суратларни саралаётib, ўз-



бекистон ҳалқ артистлари — Саодат Қобулова, Бернира Қориева, атоқи олим Тўхтасин Жалолов ҳамда ҳалқ оғзаки ижодини пухта ўрганган фольклоринос олума Музайяна Алавиларининг суратларини кўлмега олдим, — деди журналист Мухаббат Хамидова. — Ёнимдаги ўттизини коралаб қолган йизит-қизларга «Қаранг», булар куни кечга бизлар билан ёнма-ён ѹришиароди, ҳалқимизнинг фахри эди, буғун эса тарихга айланаб қолишиди, деба кўрсатдим. Улар эса суратларга тикилиб турди, «Ким булар, ўзи?», деба жавоб беришди.

Бу гапдан тўғрисини айтсан, жаҳзум чиқди. Наҳотки, ўзбек фольклоршунослиги, аబиёти, санъати тараққиётига котта хисса кўнгиган шундай заҳматкаш инсонларни буғени ёшилар танимасади! Буни қандай изоҳлаш мумкин? Тарихимизга, маънавиятимизга лоқайдилими ёки кўз олдинизда жиёдган буюкларга ишсабатан ўтироминг ўйқигизми?

Ўқимиши, маънавият соҳасида озми-кўми, фолијат юритиб келаётган ёшлилар яқин ўтмишизига нисбатан шундай муносабатда бўлса, бошқалардан нимани кутиши мумкин?! Шундан хулоса чиқарган ҳолда болажонларимизга факат узоқ ўтмишидаги буюк ажоддларимиз ҳақида эмас, балки буғунги кун қаҳрамонлари ҳақида ҳам маълумот бериб борсак, нур устига нур буларди. Бола эшиштанидан кўра кўрганини кўргон эслаб қолади, дебди руҳишунослар. Шундай экан, дафтар ишлаб чиқарувчилар анъансидан унумли фойдаланиб, юкоридаги ҳатоларни ўз вақтида тузатиш керак!

## Ватан осто надан, ўқин муковадан бошланади

— Тўғрисини айтсан, буғун университетда ўқиётган аксарият талабалар ҳорижий давлатларнинг машҳур олим, ёзувчи, профессорлари ҳақида яхши билишиади, бироқ ўзимизнинг дунё тан олган ватандошларимиз ҳақида деярли маълумотга эга эмаслар, — деди филология фанлари номзоди Курдо Қаҳрамонов. — Сабабини сўрасангиз, мактабда бу бўйича њеч қандай дарс ўтилмаганини

**Фарход ТОЛИПОВ**  
«Mahalla»

Навоийда илк бор юрак нуқсони бўйича мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Бугун қайси касб ёки ҳунар әгалари күп дейишса, ҳеч иккиланмай құшиқчилар, дея оламиз. Телевизор мурватини бурадынгиз, бас — янги янги қиёфаларга күзингиз тушаверади. Лекин эътибор берғанмисиз, ҳозир эшитган құшиғингизнинг бироздаң сүнг күйі ёки сүзи туғул мазмунини эслаб қолишингиз амримақол. Шундай. Күнгилга манзур бўла-диган құшиқларни топиш бугун тобора муаммога айланниб бормоқда.

## Томошабиби завқлантириш ҳам, йиглатиши ҳам мумкин

АММО УНИ ЎЙЛАНТИРИШ, ТАФАККУРИНИ ЧАРХЛАШ, ЖИЛЛАҚУРСА, ЎЗ ҲАЁТИ ҲАҚИДА ИДРОК ҚИЛИШГА ЧОРЛАШ ҲАР БИР САНЬАТКОРНИНГ БУРЧИ БЎЛИШИ КЕРАК

Бу борада фикрлар ҳам турфа: кимдер кўшиқчилликда иштедоддан кўра иктисол мухим бўлиб қолганидан, яна бирор мухлисларнинг диди саёзлашиб бораёттанигидан норози. Каерлардан дандир «ўйлариган» сийка мусикага аралашбай. мазмунана бир-бирига ному-таносиб мисралар, шевага онд сўзлар шакир-шукур «тўклидади». Ҳудди эски темир-терсакдад. «Куйлаёттнлар» ижод маҳсулининг талабларга, мухлислар хоҳишига нечогли жавоб бериши ҳакида ўйлаб кўрганикан, деган ташвишланисан. Миллий эстрадамизинг кўп танкигда учраётгани ҳам айни шундай «ижодий янгиликлар»нинг хонандалар орасида оммалашёттанилти билан боғлик эмасмиカン?

«Устозлар», «Сабо, келтир хабар қишлоқларимдан», «Андижоним, гўзат шахрим» — бу қўшиқларнинг номини эшишибоқ ҳироғин қилишга тушасиз. Мана, ҳақиқий санъатнинг сехри, қўро-рати. Уларнинг яратилганига салкам ярим аср бўляпти, аммо ҳеч оҳори тўйқилмаган.

— 1973 йили ўша вактдаги республикамиз раҳбари Шароф Рашидов пахта йигим-терими олдидан вилоятимизда, хусусан, Асакада бўлиб, унинг ташрифи доирасида катта концерт намойиш килинди, — дейди ҳалқимизнинг севимли хонандаси, ўлмас наволар музалифи Санобар Рахмонова. — Шунда у кишининг менга — оддий чўпон кизига эътиборлари тушди. «Шу кизнингнинг қўшиқларини фильм-концерт килиб кўрсатсан», деган топширик берилдилар. Қиска муддатда устозим Фуломжон Рўзибов билан ўнга якин қўшиғимни тайёрладик. Фильм 1974 йилда телэкран козини кўрди.

Ўша пайдада 13 яшар кизалокнинг бетакор овози, ижрочилик маҳорати томошабйндар оликишга сазовор бўлган. Қўшиқлари тилдан-тилга ўтиб, кўнгил мулкига алгананди.

— Давлатимиз раҳбарининг ёшлар камолоти ўйладиги беш ташаббуси адабиёт, санъат, маданият соҳаларини янада ривожлантириш ўйлида янги босқични бошлаб берди. Шундай эмасми?

— Албатта. Бу борада ўз ечимини кутаётгани долзарб музаммоларни бартараф этиш бўйича хайрли харакатлар канот ёзастири. Юртбошимиз таъкидлаганидек, интернет ва ўсак технологиялар асрнда адабиёт ва санъат, маданиятимизнинг ўрни ва таъсирини нафакат сақлаб колиши, балки кандай килиб уни кучайтириши мумкин, деган тўғри ва одилона саволлар барчамизни, биринчи навбатда, халқимизнинг энг илғор вакиллари бўлган ижод ахлини ўйлантириши зарур.

Биргина санъат соҳасини олайлик, савиаси жихатдан талабга жавоб бермайдиган аксарият қўшиқлар ва уларнинг

ижрочилари фаолияти кизгин мухокама килинмоқда. «Ўзбекконцерт» эстрада бирлашмаси томонидан ўтказилган матбуот анжуманларида, телеканаллар оркали уюштирилган сұхбатларда таклифлар билдирилмоқда. Бу борада ўзгаришлар бўлаётгани, кўплаш тароналар телерадио эфирларидан олиб ташлангани айтилмоқда, каттик назорат ўрнатилажаги ҳакида ваъдалар олинмоқда. Негадир хануз ижобий томонга сиљиши коиникали даражада эмас.



— Мана шулардан келиб чиқиб, буғунги қўшиқчилликка бўлаётгани ўтироzlарга сабаб нима деб ўйлайсиз?

— Тўғриси, куй-қўшиқнинг мазмунини, санъатнинг асл моҳиятини тушуниб ултурмаган баъзи «хонандалар»ни деб эстрада вакиллари танкигда учрашмокда. Асосий музаммо — хориждан кўчирма-чилик килинаётгани, янын плагиатта йўл кўйилаётгани. Илгари Бадий кенгашининг талаби каттик бўларди. Кўрикка ўнлаб қўшикларимизни тақдим этардик. Кайсидир нотаси бошқа бир асарга ўхшаб колса ҳам тасдикланмасди. Аттиги уч-тўрттасинингни «омада чопарди». Бугун-чи?! Бундай тартиб, талаб йўқ. Ҳар ким хоҳлаганини кўйлади. Таълим мусассалариди сифатини ўрганиши керак.

— Мактабларда дарсларининг кай ўйсина олиб борилаётганини каттик назоратта олиши фойда беради, деб ўйлайсизми?

— Худди шундай. Ўкувчига таълим берсаётгани ўқитувчи нимани ўргатаётганини, аввало, ўзи хис килиши лозим. Маданият ва санъат мусассаларни ходимларининг 50 фойздан ортиғи олий маътумотга эта эмас. Чекка-чекка худусларимизда иқтидорли ёшлар кўп. Уларни ҳар томонлами кўллаб-кувватлаши, ижоди камолоти учун барча шароитларни яратиб бериши устувор вазифаларимиздан бирни бўлшини керак. Мусикага, санъатта меҳрини бериб улғайтан янгит-киздан ёмонлик чикмайди. Турли ёт оқимлар таъсирига тушиб колиши холатлари кутилатмайди.

— Санъатнинг иони қаттиқ деб ишиши. Шундайми, аксарият аёл қўшиқчиларнинг оиласи атрофика ҳар хил шов-шуввлар, мишишлар айланади...

— Оиланинг тинчлиги, мустаҳкамлигини таъминлаш кўпроқ аёлнинг зиммасига тушади. Айнакса, қўшиқ кўлашни тақдир деб билгандар чидам, сабр, ифрат, садоқатни доимий либос килиши керак. Санъат ўйлидан боришимга хеч ким монелик кильмаган. Катта оиланинг келиниман. Турмуш ўртоғим Илҳом ака — сакзис фарзанднинг кенжаси. Кекса кайонамон, кайнотамнинг дусосини олиб, оналини, бекаликнинг удасидан чикишини биринчи ўринга кўйганман.

Оиладаги мухит, турмуш ўртоғимнинг санъаткорлиги, менга бўлган эътибори, хурмати туфайли ҳаётим осойишта. Фарзандларимиз Диљбархон, Исломбек, Ихлосбек, Мадинабуналини тарбиялаб, камола етказдик. Келин олдин, киз узатдик. Бир 2006 йилдан бўён оилавий гурухимиз фаолияти юритиб келимокда. Ўғлимиз Ихлосбек — маданияти ходими. Исломбек — продюсер. Фарзандларимизнинг ҳаммаси санъатта ихлосманд.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз ижодкор зиёдларни вакиллари билан учрашувда кўплаб санъаткорлар катори менинг ҳам камтарона ижодимин эътибор этганларидан бошим кўкка етди. Нафакат мен, балки кариндош-ург, кўни-кўшилар, махалла дошларим бундан кувониб, эзгу ниятлар билдиришиди. Шундак сўнг «Дўстлик» орденинга муносиб топилганим, давлатимиз раҳбарининг сўзлари менни шу кадар руҳлантириди, кани эди, ҳозир ёшлигим кайтиб келса-ю, мана шундай имкониятдан фойдаланган ҳолда, бор кучимни санъатимиз ривожига бағишиласам, дейман.

Юртбошимизнинг санъат соҳасидан олиб борилиши керак бўлган ишлар хусусидаги фикрларидан руҳланган ҳолда, ўз олдимга улкан вазифаларни белтилаб олдим. Биринчи галда, ўш авлодни тарбиялаш, уларга устозлик меҳрини бериш. Бинобарин, санъатнинг инсон маънавияти бўлган ижобий таъсирини кеч нарея билан киёслаб бўлмайди.

Биз маданияти, айнанлари, тархиши улугъ халқмиз. Буюк бобокалонларнинг авлодларимиз. Ана шундай улуғворлик маъсулитини хис этган ҳолда яшамогимиз, меҳнат қилмоғимиз керак.

— Ҳофизларнинг иши — шодиёналар, тўю тантаналарда хизмат килиши. Аммо уларнинг машакатини ҳамма ҳам хис этавермайди. Шундай эмасми?

— Албатта. Одамлар саҳна ҳаётини осон ва енгил деб ўйлашиди. Аксарият томошабин саҳна ортидаги жарабаидан беҳабар. Ҳолбуки, чинакам меҳнат саҳнага қадар бўлади, ана шу жарабаидан хонанданинг актёргини бутун борлигини емирди, уни ҳам жисмонан, ҳам руҳан чарчатади. Буни билмаганлар эса «артистларга мазза» деган тасаввур билан яшайдилар. Лекин буниси ҳолда, бу гаплар каబ мояхияни, талаби ва маъсулитни билан боғлик заҳматларидир. Энг ёмони, саҳнага қадам кўйиб, томошабингайтар сўзиниғ фикрини, дардинг бўлмаса... Тўғри, ашулада, шеърда матн бор, сўзлар, иборалар, хитоблар, чакирик ва даъватлар бор. Афсуски, бугун айрим клипларни оила, фарзандлар даврасидан томоша килиб бўлмай колди. Гарбга таклид, очик-сочик кийинини, устига-устак, маъно-мазмунисиз сўзлар...

—

— «Тановар», «Шашмақом», «Дуго», «Сегоҳ»ларни тинглаганимизда асрлар ошган кадриятларимизу сочи кирк ўрилган раккосаларимизнинг хаё тўла хиромлари кўз олдимизда гавзаланади. Шу ўринда давлатимиз раҳбари ўтироф этганидек, сизнинг ҳам иболи, ҳаёли, ҳақиқий ўзбек кизига хос қиёфаларига санъатнинг қанча-қанча ёшларга ибрат бўлганни эди...

— Саҳна маданияти, кийиниши одоби деган тушунчалар бор. Афсуски, бугун айрим клипларни оила, фарзандлар даврасидан томоша килиб бўлмай колди. Гарбга таклид, очик-сочик кийинини, устига-устак, маъно-мазмунисиз сўзлар... Ўзбекмиз, ўзимизга хос миллийлигимиз, маданиятимиз бор. Яхши қўшиқ баробарида яхши хулқ ҳам чин санъаткорлик макомини белгилашини ҳеч качон уннут маслик керак.

— Мазмунли сұхбат учун раҳмат.



# Антибиотикларниң даври ўтдими?

БАКТЕРИЯЛАР ПЕНИЦИЛЛИНДАН ҚҮРҚМАЙ ҚОЛИШГАН

Кейнинг пайтларда ишлаб чиқариладиган дориларга фаол компонентлар кам күшилдётгани, уларнинг таъсири йўқлиги тўғрисидаги гап-сўзларга дуч келяпмиз. Бу, айниқса, инфекцияли, бактериал касалликларга қарши кўлланиладиган антибиотик воситалари билан кўп кузатилмоқда. Дорихонада обдон реклама қилинган, фалон пул турувчи дорини сотиб оласиз-да, оддий курут еганчалик фойда топмайсиз. Қизиги, антибиотикларнинг самара сиз экани ҳақидаги эътирозлар дунёнинг барча худудларида истиқомат қиливчи инсонлар томонидан билдирилмоқда. Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти сайтида эса инфекцион касалликлар даврида антибиотиклар натижига бермагани туфайли сайдерамизда йилига 700 минг нафардан ошик инсон вафот этадиган тўғрисидаги вахимали маълумотлар билан танишиш мумкин.

Хўш, дори ишлаб чиқарувчи корхоналар, йирик корпорациялар ростдан ҳам одамларни алдаяптими? Дориларга фаол компонентлар белгиланган микрородан кам кўшилмоқдами ҳин масаланинг бошча томони ҳам борми? Бу хакда фармацевтика фанлари номзоди, доцент Ҳасан Бекчанов билан сухбатлашибди.

## Замонавий тиббиётнинг энг катта муммоси

— Аксинча дори воситалари таркибида фаол компонентлар миқдори ишлай сайдин ортиб бормоқда, — дейиң Ҳ.Бекчанов. — Мисол учун, пенициллин тиббиётда кенг кўланила бошлиланган 1940 йillardа бошида врачлар бермогра мазкур дорилар бир суткада бир неча минг миллиграмм дозада буюрган бўлса, ҳозирда бўйай дорининг энг паст дозаси ҳам суткасига иккى ярим, беш миллиграммни ташкик қиласди. Антибиотикларнинг касалликларни даволашиб таъсирининг камайгани эса «супербардоши» микроборганизмларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ.


Эволюциянинг зарарли оқибати. Муаммонинг сабаби нимада?

Маълумки, хар кандай тирик жон атроф-мухит таъсири остида Эволюцияга учраб, унга мослашиб борали. Бактериал инфекцияларни антибиотиклар ёрдамида даволаш олимларга ўзлари билмаган холда эволюцион жарайённинг тезлаштирилган шаклда кузатиш имконини берди. Яъни энг кучли ва биз кўлаётган фаол компонентларга қарши кураша олган бактерияларни тирик кола бошлиди. Бардошилик хусусиятини ўзидан кейингиларга ўтказди.

Натижада, табиий ташланган, «супербактерия»лар автолларни шаклдан бошлиди.

## «Супербактерия»лар йилига 10 миллион одамни ўлдириши мумкин

Мазкур муммо Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилоти мутахассислари, умуман, дунё шифокорлари, фармацевтларини ўйлантирмоқда. Зоро, жараён шундай давом этса, тез орада антибиотиклар мутлак таъсирини ўқотиб, постантбиотибия даври бошланиши эҳтимоли юкори. Натижада хозир биз осонгина даволаётган инфекцион касал-



ўз потенциалини тўлиқ тугаллаб бўлгач, инфекцияларни нима билан даволани масаласи бутунги тиббиётнинг асосий муммоматидан бирни саналади.

Тасавур қилин, ўрга асрларда интеграция — одамларнинг бир жойдан бошқасига тез-тез кўйичиб яшади деярли учрамаган. Инфекциялар урушлар ёки онда-сона келадиган карвонлар оркалигини шахардан-шахарга, мамлакатдан-мамлакатга кўчиши мумкин бўлган. Аксар холларда эса чегараланган худудда колиб, шу ер аҳолисининг зараблаган. XXI асрда эса антибиотиклар супербактериялар интеграцияси инсоннинг халокат ёқасига олиб келиши мумкин.

## Саримоқпиёс ечим бўлолмайди!

Табиий усууда даволанини тарафдорлари антибиотиклардан сўнг инфекцион касалликларни саримоқ, пиёз, олма укусси, грейпфрут экстракти, органо ёғи кабин воситалар ёрдамида бартараф этиши таклиф киласди. Хозирнинг ўзида дорихонада пештахасида шу турдаги юзлаб воситалар топилиди. Тўғри, мазкур маҳсулотлар ўзига хос антибактериал хусусиятларга эга. Улар биз истемол юладиган бальзидорларнинг ўринине босиши мумкин. Аммо антибиотиклар ишини тўла ҳажмда амалга ошира олмайди. Зоро, инсоннинг юкорига дигарлардан бактерияларни хозирти «супер» аводи вужуда келгунча ҳам фойдаланган. Шунга қарамай, дунёда пенициллин капш килингунинг инфекцион касалликлар оқибатидаги ўйимлар колган барча холатлардан юкори бўлган.

Гўштиашшанинг уруғи тамаддунимизни саклаб коладими?

Аммо бу хали мағлубият дегани эмас. Олимлар муммо

ечими устида изланишмоқда. Баъзи натижаларга ҳам эришилган. Масалан, американлик таддикотчилар инфекция тушган жароҳат ва яраларни даволашда кисман антибиотиклар ўринини боса олувчи табиий воситадан фойдаланшишмоқда. Аммо услуб кўпчиликка ёқаслиги тайин. Бунда оддий гўштиашшанинг личинкаларидан фойдаланаали. Жиркanchицикалар жароҳатта кўйилганидан сўнг барча ўлик хуяйларни ёб, бактерияларни озукасиз колдиради. Натижада улар халок бўлади. Бироқ бу факат ташки инфекциялар пайдагина ёрдам бериши мумкин. Зотилжам, сепсис ёки ўндан-да хавфирор ички инфекцияларни хозирча пашша уруғи билан даволаб бўлмайди.

## Ўз қуролидан ўзига қарши фойдаланамиз?

Шунга қарамай, соҳада ютуклар бор. Таддикотлар бир неча йўналишида олиб борилипти. Мисол учун, инфекцион касалликлар пайтида бактериоидин ва бактериолизинлардан фойдаланиши устида изланишлар жадал давом этмоқда. Мазкур моздалар бактерияларнинг бир-бирига карши курашда кўлладиган асосий куроли — заҳаридир. Уларни барча бактерияларга карши ишлатиш мумкин. Факат инсон организмига зарарсиз микрородларни аниқлаш, тажрибаларни якунлаш лозим.

Бактериофаглар йўналишидаги таддикотлар эса супер бактерияларни ўзини касалга чалинтиришини назарда тутади. Улар бактерияларга тушадиган вирус хисобланади. Канибал бактерияларни яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар эса бактерияларни бир-бирини ёб тамом килиш тамоилига асосланмоқда. Аминманки юкорига дигарлардан бирни ёки бир нечтаси тажрибалардан муваффакиятли ўтиб, «постантбиотик»лар даврини бошлиб беради.

## ДАРВОҶЕ...

Йилига 40 миллион киши юкумли бўлмаган касалликлардан вафот этади

Жаҳон соғлиқни саклаш ташкилотининг маълумотларига кўра, кейинги бир неча ўн йил ичida ортиқча тана вазни ва семизлиг муммоси бутун дунёда чуйчай бормоқда. Ҳар йили юкумли бўлмаган касалликлар дунё бўйича 40 миллион одамнинг умрига завол бўлди, бу эса дунё бўйича барча ўлим холатларининг 70 фоизини ташкил қиласди. Маълумки, мамлакатимизда ҳам њили барча ўлим холатларининг 78 фоизи юкумли бўлмаган касалликлар туфайли юз бермоқда. Ўлим сабаблари умумий кўрсаткичидан биринчи ўринни қон айланиши тизими касалликлари (69 фоиз), шу жумладан, юрак ишемик касаллиги, артериал гипертония ва унинг асоратлари (миокард инфаркт, бош мияга кон куйилиши) эгаллади. Улардан кейин хавфли ўсмалар (8 фоиз), қанди диабет (3 фоиз) ва нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари (3 фоиз) жой олди. Мутахассислар хавфли омиллар профилактикаси ва юкумли бўлмаган касалликларга чалинган беморларта тиббий ёрдамини ташкил килиш ва кўрсатиши тизимини яхшилаш, шунингдек, соғлом турмуш тарзига амал қилиш орқали ўзбекистонда юкумли бўлмаган касалликлар сабаби барвақт ўлим тошиш холатларининг оддини олиш мумкинлигини таъкидламоқда.

Мутахассисларнинг маълум қилишича, хафта да атиги 2,5 соатлик жисмоний фаоллик эрта ўлим холатларини 28 фоизга, юрак касалликларини эхитимолини эса 20 фоизга камайтиради экан. Оддийгина юриш орқали юрак кон-томир касалликлари, инсульт, хавфли ўсмалар, нафас олиш аъзоларининг сурункали касалликлари ва қанди диабет каби юкумли бўлмаган касалликларнинг олдини олган бўламиз.

«Mahalla» мухабири  
Улуғбек ИБОДИНОВ  
ёзб олди.

Халқаро кимё олимпиадасида ҳамюрларимиз тўртта медални қўлга киритди.



## ЮРТИМИЗ ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИДА УШБУ КАСАЛЛИКНИ ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ ЗАМОНАВИЙ ТИББИЁТ СТАНДАРТЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИМИ?

**Агар сизде қырқ ёшга келиб чаноқ сон бўғимларда оғриқ бошланса, ҳассага таянмасдан бир қадам ҳам ташлолмасангиз, врачлар эса сизга коксартроз деб ташхис қўйишган бўлишса, очигини айтиш керакки, сизнинг ҳолатингиз мақтанаарли эмас. Бундай вазиятда консерватив даволаш ҳам, жарроҳлик ҳам фойда бермаслиги мумкин.**

Лекин шифокорлар аксият хотатларда таянч-харакат тизими билан боғлиқ бундай касалликларни болаликласъ бартаф этиши мумкинлиги, хамма муаммо безътиборлик туфайли дардин ўтказиб юборишида эканни таъкидлашади.

Дарҳакикат, кўча-кўйда, қасалхоналарда оёғига маҳсус мосламалар боғланган болаларга кўзини тушади. Бундан ташкари, чаноқ сон бўғими касалликлари билан туғилаётган чакалоқлар ҳакида ҳам кўп эшитамиз. Аммо болажонларнинг ил кадамлари мосламалар ёрдамида кўйилиши унинг ўзи учун ҳам, ота-онаси учун ҳам жуда нокуради.

Эътиборимизни тортгани — «оёғига мосламаси бор» болаларнинг аксарияти кўк-рак ёшидаги кичкентийлар. Мутахассисларнинг фикрича, чаноқ сон бўғими хасталиклири кўкран ёшидаги болаларда жуда кенг тарқалган. Агар бу касаллик эътибористи колдилрас, бир неча ўн йилдан сўнг унинг оқибатлари ногиронлика олиб келиши мумкинлиги хавотирни оширади. Ўринли савол туғилади: ҳўш, унда барча кўйдаги ёшидаги гўдакларни ортопед кўригига олиб бориши мажбурийми? Нега болаларда чаноқ сон бўғими билан боғлиқ касалликлар кўп учрайди? Юртимиз тиббитеётида бундай хасталикни аниклаш ва даволаш усуллари бутунги замон талабларига жавоб берадими?

Ана шу саволлар билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Тиббиёт бош бошқармаси биринчи марказий поликлиникаси шифокори ортопед трамвматолог Адилбек ТУРАБОЕВга мурожаат килдик.



### Ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бири

— Мазкур касаллик болаларда учрайдиган ортопедик касалликлар сони жиҳатидан биринчи ўринида туради, — дейдай А. Турабоев. — Бу тужма нуксоннинг иш белгиларини билиши жуда қийинли тифайли ота-она, баъзида тиббиёт ходимлари томонидан касаллик вактида аниқланмайди. Баъзан болаюра бошлагандан кейин — оқсоқланниб қадам ташлаганданча бунга аҳамият бершиади. Ваҳоланки, чаноқ сон бўғими касалликларини бола юрмасдан олдин аниклашиб, даволаш яхши натижасалар беради.

Касалликнинг кўйидаги белгилар орқали аниклаш мумкин. Аввало, оёғи ташкарига очиглан бўлади, баъзан бир оқсоқнинг козатилиди, сон соҳасидаги ички тери бурмалари паст-баланд жойлашиб, бир-бира гириш мос келмайди, оқнинг тизза бўғимидан букилган холатда та-надан узоклаштириш чекланади, тиззани олдинга чўзиш пайтида сон сугиши бошчасининг кўйич косасигига тушиб, чиқиб кетиши рўй беради. Агар болада мазкур белгилардан бирортаси аникланса, кечкитирмай болалар ортопед-шифокорига мурожаат килиши лозим.

**Баъзан шифокорлар янгиликни эмас, синалган эски усуслини афзал кўришади.**  
**Нега?**  
Чаноқ сон бўғими касалликларни даволашнинг усуллари кўп, аммо барibir шу хасталик ортопедиянинг долзарб муаммоларидан бири бўлуб колмокда, — дейдай А. Турабоев. — Дисплазия касалликларининг 60-70 фози ўз-ўзидан ўтиб кетиши мумкин бўлса ҳам, кўплаб шифокорлар болаларни

### Бундай касаллик билан туғилишига сабаб нима?

Тадқикотлар шуни кўрсатади, чаноқ сон бўғими касалликлари айрим холлардагина насланд-наслага ўтиши мумкин. Аслида касаллик ривожланишига ва сон сувжалирининг тужма чиқиншига бир нечта омиллар сабаб бўлади. Кўн холларда бу нуксон думбаси билан туғилган чакалоқларда учраса, хомиладорликнинг биринчи ярминаги турли хасталиклар, жумладан, оғир ўтган токсикоз, витамин ва минераллар этиломочилиги ҳам унга келтирил чиқарувчи асосий омил хисобланади. Бўлажак онанинг яшаш ва иш жойидаги экологик холатнинг ҳам таъсири катта.

Айрим холларда эса эрга турмушга чиккан ва оила, фарзанд парвариши хусусидан тажрибага эга бўлмаган оналарнинг нўноклиги касалликнинг ўз вактида бартараф этилмаслигига сабаб бўлади. Афуски, туруркув ва тутуруркувдан кейинти травмалар ҳам ушбу касалликни келтириб чиқаради.

### Даво чоралари кафолатлами?

Бугун юртимиздаги тиббиёт муассасаларида ушбу касалликни клиник, ультратовуш аппарати ёрдамида ва рентгенография усулни билан текшириб, ташхислаш ўйлаб кўйилган. Республика трамвматология ва ортопедия илмий текшириш институти, Тошкент давлат пе-

консерватив усулда (ортопедик иштонча ва шина тақиц, шептун гипсли болгалими кўйиш, лейкопластири функционал тортмага олиш каби) даволашни афзал билишади. Яъни бу усул кўпроқ шифокорларнинг ўзини ортика ташвишлардан асрайди. Чунки шифокорлар учун бу усул узок йиллардан бери синаланган ва маълум маънода самарали хисобланади. Аммо бугун тиббиёт институти каби муассасаларда айни йўналишда илмий изланнишлар олиб борилмокда. Колаверса, соҳага замонавий хориж тажрибалари ҳам эркин жорий этилмокда.

Хусусан, айни пайтда бундай касал-

ликларни даволашда хилмажил усуллар кўлланнилди. Яъни боланинг ёшига, тужма сон чиқши дарёжасига карабдор дармадонлар билан биргаликда узаслаш, даволочи физкультура, физиотерапия каби муолажалар белгиланади.

Яна бир жиҳатни унумтаслик керакки, усуллар канча кўп бўлмасин, даволашнинг муваффакияти, аввало, ота-онанинг эътиборлилигига ва шифокор савишинга боғлиқ! Афуски, ота-оналарнинг масъулиятгизлиги, шифокор ортопед кўрсатмаларига тўлиқ риоя этимаслиги тифайли аниқлайди. Бундай холларда, яъни кичконтай юришини бошлагачтина касаллик аниқланса, консерватив даво чоралари фойда бермайди. Кеч кургандан кейин унда босқичли лоренци гипсли болгалимлар билан даволашга мажбур бўлинади. Бунда бола кийналади. Агар ундан ҳам кеч мурожаат килинса, жарроҳлик амалиёти ўтказишга мажбур бўлинади. Шунинг учун чакалоқ туғилгандан сўнг иложи борича этарорк ортопед кўригига олиб бориш керак. Иложи борича операцияга йўл кўймаслик жоиз. Чунки бу борада операция бўлган инсоннинг эса улгайтанди чаноқ-сон касалликларига мийлиги ортади.

**Муҳими, болангизга доимо диккатли бўлининг ва ҳеч качон унга радикал восита-лар билан ёрдам беришга йўл кўйманг!**

Бундай холларда, яъни кичконтай юришини бошлагачтина касаллик аниқланса, консерватив даво чоралари фойда бермайди. Кеч кургандан кейин унда босқичли лоренци гипсли болгалимлар билан даволашга мажбур бўлинади. Бунда бола кийналади. Агар ундан ҳам кеч мурожаат килинса, жарроҳлик амалиёти ўтказишга мажбур бўлинади. Шунинг учун чакалоқ туғилгандан сўнг иложи борича этарорк ортопед кўригига олиб бориш керак. Иложи борича операцияга йўл кўймаслик жоиз. Чунки бу борада операция бўлган инсоннинг эса улгайтанди чаноқ-сон касалликларига мийлиги ортади.

**Агар дисплазия бироз кечрек аниқланса-чи?**

Бундай холларда, яъни кичконтай юришини бошлагачтина касаллик аниқланса, консерватив даво чоралари фойда бермайди. Кеч кургандан кейин унда босқичли лоренци гипсли болгалимлар билан даволашга мажбур бўлинади. Бунда бола кийналади. Агар ундан ҳам кеч мурожаат килинса, жарроҳлик амалиёти ўтказишга мажбур бўлинади. Шунинг учун чакалоқ туғилгандан сўнг иложи борича этарорк ортопед кўригига олиб бориш керак. Иложи борича операцияга йўл кўймаслик жоиз. Чунки бу борада операция бўлган инсоннинг эса улгайтанди чаноқ-сон касалликларига мийлиги ортади.

**Муҳими, болангизга доимо диккатли бўлининг ва ҳеч качон унга радикал восита-лар билан ёрдам беришга йўл кўйманг!**

Юлдуз ХОЖИЕВА  
сүхбатлашди.

# Чақалоқлар нега чаноқ сон бўғими касалликларидан кўп оғришмоқда?



# Пора эвазига тақлиф

## Кишинганимкониятларни рад этишга куч топайлик

ШУНДА МАМЛАКАТИМИЗ РИВОЖЛАНАДИ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗ  
КЕЛАЖАГИ ЁРУФ БЎЛАДИ, ВИЖДОНИМИЗ АЗОБЛАНМАЙДИ

Давлатимиз раҳбари  
Шавкат Мирзиёев  
жуда кўплаб маъруза  
ва чиқишиларида  
порахўрликнинг  
олдини олиши  
ва бу иллатни  
жамиятимиздан  
бутунлай йўқотиш  
масаласига эътибор  
қаратиб, унинг салбий  
оқибатлари ҳақида  
тұхталиб ўтмоқдалар.

Дарҳакиат, порахўрлик —  
жамият ривожига жиддий тўсик,  
у — ноконуий, нопок йўл билан  
моддий бойлик ортириши дегани.  
Порахўрлик ҳакида кўплаб  
салбий фикрларни билдириш  
мумкин. Узоқ ўтмишдан бўён  
кескин курашиб келинадиган  
бу иллат ислом дини Куръон  
оятлари, Пайғамбаримиз сол-  
лаплоҳу алайхи васалламнинг  
хадислари ва бутун уламолари  
иттифоқи билан ҳаром килин-  
гандир.

### Ҳаром сўзи «пора» деб тағсир қилинган

Уламолар пора ҳаром эканига  
куйидаги оятларни далил килип  
келирганлар:

(Улар) ёлғон (тўкиш учун  
Сизга) кулок соладиган ва ҳароми  
еидиганлардир. (Монда сураси,  
42-оят)

Ҳасан ва Саъид ибн Жубайр  
розияллоҳу анхумолар ояти  
каримадаги «ҳаромни» сўзини  
«пора» деб тағсир қилинлар.  
Муассислар, ояти каримада  
мусулмон билиши ва эҳтиёт  
бўлиши мухим бўлган иккита  
салбий сифат ҳакида сўз бор-  
мода, биринчиси ёлғон гап  
бўлса, иккинчиси ҳаром касб-  
дир, дедилар. Шунингдек, ояти  
каримадаги мазкур сўз умумий  
маънода ишлатилиб, ноконуний,



нолоп йўллар жумладан, ўғир-  
лик, куч ишлатиши, монополик  
хатти-харакатлар, алдамчилик,  
мансибини сунистемол қилиш,  
ёлғон ишлатиши, товламачилик  
ва бошқалар орқали эришилган  
хар қандай молу давлат ироди  
килинади.

Яна бир ояти каримада Аллоҳ  
таоло шундай марҳамат килиади.  
«Мол(ва бойлик)ларингизни  
ўрталарингизда ботил (йўллар)  
билан емангиз! Шунингдек,  
била туриб, одамларнинг ҳак-  
ларидан бир қисмини гуноҳ  
йўли билан ейиш (ўзлаштириш)  
мақсадида уни ҳокимларга ҳа-  
вона этмангиз!» (Монда сураси,  
188-оят)

Ояти каримада инсонлар  
бир-бирлари молини ҳаром йўл  
билан жумладан, кимор, тұхмат,  
хиёнат, пора олиши ва бошка  
нолоп йўллар билан ўзлаштириш  
орқали сийишдан кайтарил-  
моқда. Бироннинг ҳаки қандай  
йўл билан ўзлаштирилмасин, у  
харомдир.

### Расулуллоҳ пора берганини ҳам, олганини ҳам лаънатладиляр

Уламоларимиз ояти каримадаги  
буйрук гарчи мусулмонларга  
қаратилган бўлса-да, мусул-

монлар бошка дин вакилларига  
тегиши мол-мулкни ноконуний  
ва нолоп йўл билан ўзлаштириб  
олишлари мумкин эмас, ҳаром-  
дир, деганлар. Пайғамбаримиз-  
нинг бу ҳақдаги фикрлари ҳам  
ўта қескиндир. Абдуллоҳ ибн  
Амр розияллоҳу анхумодан ри-  
воят килинади.

«У «Расулуллоҳ соллаллоҳу  
алайхи васаллам пора бергани  
ҳам, пора олганини ҳам лаъ-  
натладиляр», дедилар». (Имом  
Термизий ривоят килган)

Яна бир ривоятда эса, «Ик-  
кисининг ўртасидаги ўрта-  
кани», дейилган.

Аслида бирорин лаънатлашаш  
мўмин кишига хос фазилат эмас.  
Аммо кимни Аллоҳ ёки Унинг  
Расули лаънатласа, демак, ўша  
амал мўмин кишининг дунё ва  
охирати учун ўта ҳатарли экани-  
га далолатиди.

Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг лаъ-  
натлаши Аллоҳнинг лаънатлаши  
билан баробарлар. Кимни Аллоҳ  
лаънатласа, унинг тавбайо тазар-  
руларини қабул қилмайди, дую-  
ильтижоларини ёшитмайди, раҳ-  
мати ва фазули қарами ила унга  
назар солмайди. Бу — Аллоҳ ва  
банди ўртасидаги муносабатлар-  
нинг узилиши бўлиб, мўмин  
киши учун жуда оғир мусибат.  
Зоро, мўмин кини доимо Ярат-

ганнинг иноятига муҳтождир.

Барча мазҳаб уламоларининг  
иттифоқига кўра, юкорида  
оятин қарималар ва ҳадиси шариф  
асосида пора олувчининг пора  
сифатида олган пуль ва бошка  
бойликлари ҳаром дейилган.

### Олий таълимга кириш учун ҳам кўпчилик «узатиши»ни афзал қурари

Инсон ёшлигидан илмга,  
маярифатга интияди. Олий таъ-  
лим даргоҳларида ўқиб, эл-юрт  
равнаки учун стук мутахассис  
бўлишини орзу киласди. Аммо  
ўкиби ёки ўзига муносиб ишга  
киргунча турли тўсиклар, жум-  
ладан, тангтай «пора» билан  
кўтарилилганларнинг гирдобига  
тушиб колади. Пора бериб  
ўкиди, пора бериб ишга киради  
ва табиийки, ўзи ҳам пораҳур  
бўлиб иштади. Бундай «сан-  
жир» инсонда нафакат илм ва  
маярифатга интилиши сўнди-  
ради, балки дунёкарасини ҳам  
бутунлай ўзгаририб юборади.

Порахўрлар «мен олмасам,  
бошқаси олади» ёки «давринг  
келди қандингни ур» деган  
ғапларни «шиор» қилиб олади-  
лар. Бу имонига салбий таъсир  
килуви жуда катта ғуноҳдир.  
Ахли сунна вал жамоъа эътико-  
дига кўра, ким Аллоҳнинг оятла-  
ри, Пайғамбаримиз соллаллоҳу  
алайхи васаллам ҳадисларни ишти-  
фоқи билан ҳаром килинган  
нарсанни ҳалол санааси диндан  
чикади. Шу боис пора олувчи ва  
пора берувчи масаланинг мана-  
ба тарафи борлингини ҳам унту-  
маслиги лозим.

### Порахўрлик — тараққиёт илдизига урилган болта

Порахўрлик, одатда, ман-  
сабдор шахслар ва фуқаролар  
ўртасидаги муносабатларда кенг  
тарқалади. Амалдорларнинг  
ўз вазифаларини сунистемол  
қилиб, шахсий манфаатларини  
бираини ўринга қўйиши ва  
бу йўлда давлат мол-мулки-  
га тажовуз қилиши жамиятни

ривожланишади тўсади. Ко-  
лаверса, порахўр амалдорлар  
туғайли оддий ҳалкнини ис-  
лоҳотларга ишончи йўколади,  
жамиятда норозилик кучайди.  
Ҳадиси шарифда шундай баён  
килинган: Абдуллоҳ ибн Умар  
розияллоҳу анху ривоят килиади:  
Мен Расулуллоҳ (с.а.в.) шун-  
дай деганларни ёшитганиман:

«Ҳар бирингиз бошлиқсиз, ҳар

бирингиз кўл остидагига масъ-  
улдир. Имом ҳам бошлиқдир.  
У қавмига масъулдир. Эр киши  
ўз ахлига бошлиқдир. У ахлига  
масъулдир. Аёл киши эрининг  
уида бошлиқдир. У болаларига  
масъулдир. Хизматкор ҳожаси-  
нинг мол-мулкига бошлиқдир.  
Ва кўл остидагиларга масъуль-  
дир» (Муттафақуна алайх).

### Иллатнинг илдизини киркиш мумкинми?

Ушбу иллатга карши ку-  
рашда, аввало, ўзимизда ва  
фарзандларимизда ҳалол қасб,  
ҳалол меҳнат ва ҳалол ризқ каби  
тушунчаларни шакллантири-  
шимиз жони. Зеро, Аллоҳ таоло  
Қуръони каримда бандаларини  
ҳалол-пок нарсалардан сийшга  
буориб шундай марҳамат кил-  
ди: «Эй, одамлар, ердаги ҳа-  
лол-пок нарсалардан тановул  
килингиз шайтоннинг изла-  
ридан эргашмангиз! Албатта,  
у сизларга аниқ душманнинг».  
(Бакара сураси, 168-оят)

Сахл ибн Абдуллоҳ: «Нажот  
уч парсада — ҳалол ҳайни,  
фарзларни адо этиш ва пай-  
ғамбар алайхисаломга эрга-  
шишларидир», деганлар.

Дарҳакиат, инсон ер юзидағи  
мавжуд нейматларнинг ҳалол-  
покларидан тановул килиш учун  
ҳалол ишлаб ризқ топиш лозим.  
Таъкида жизки, пора олиш  
ва пора бериш инсон учун энг  
кетта душман — шайтоннинг эрга-  
шишлариди. Ким Аллоҳни ва унинг  
пайғамбарини қўйиб, шайтонни  
дўст тутса, ҳаргиз нахజ топа  
олмас. Балки ҳалол қасб килиш-  
нинг ўзи битта савоб бўлса, ҳа-  
лол қасб қилиб рўзғор тебратиш  
яна битта савобдир. Рўзғордан  
орттириб, мухтожларга хайру  
саҳоват улашиш савобни кўпай-  
тиради.

Яна бир йўли — кундалик  
бажаришмиз ло-  
зим бўлган ишларни пора йўли  
билан ҳал килмаслиқдир. Ко-  
лаверса, пора эвазига тақлиф  
килинган ўқиши, иш ва лавозим-  
ларга рад жавобини беришга  
куч топа олсан, виждонимиз  
азобланмайди.

Давлатимиз раҳбари пора  
олишни давлатга хийнат деб  
баҳолаб, ҳатони кечириш мум-  
кинлиги, аммо хийнат кечирил-  
маслигини кўп таъкидларидар.  
Демак, вижданни уйғок, юрти ва  
фарзандлари келажагини ёрқин  
кўришини истаган киши бундай  
иллат даимо муросасиз бўлади.

**Маймуржон ЭРКАЕВ,  
исломшунос.**

### Ҳадислар

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Расулуллоҳ (с.а.в.): ... сўнг бир кишини зикр қилилар. У узоқ сафар қилиб, сочлари тўзиган, ўзини чанг қоплаган. «Эй Рabbим! Эй Rabbim!, деб қўларини оғсонанга кўтариади. Ваҳоланки, емиши ҳаром, иҷимлиги ҳаром, кийими ҳаром ва ҳаром билан овқатланган. Қандай қилиб дуо-си қабул қилинсан?!», дедилар.

\*\*\*

Абу Хурайра розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. Пайғамбаримиз: «Ким ҳалол касбидан бир дона ҳурмо миқдорича садақа қилиса, зотан Аллоҳ ҳалолдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Аллоҳ уни ўнг қўли билан қабул қиласи ва сизлар тойчоқни ўстирганингиздек, ўстириб, Уҳуд тоғиҷа қиласи», деганлар. (Имом Муслим ва Имом Термизийлар ривоят килган)

# «АрМИ—2019»: ҳақиқий ҳарбийликтин оғизи

АСОСИЙ МАҚСАД — ТИНЧЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ МУНОСАБАТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Укам ҳарбий хизматдан бутунлай ўзгариб қайтди. Аввалги шўхлик ва қизиқонликдан асар ҳам қолмаган, жиддий, мулоҳа-закор, етти ўлчаб, бир кесадиган инсонга айланганди. Шунда аввалигарнинг бежизиг булајак күевнинг йигитлик бурчини ўтаганига алоҳида эътибор қартишмаганини тушундим. Ота-онаси, яқинлари ва Ватани олдиғаги масъуиятни тұла аңглаб етища бундан яхшироқ мактаб бўлмаса керак.

Бугун ҳам йигитларни чин маънода көртнинг посбонлари сифатида тарбиялаш, мамлакат тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш массада соҳа ривожига алоҳида эътибор каратилмоқда. Йилдан ишларни ҳарбий салоҳиятимиз юксалиб бораёттир. Шу билан бирга, ёшларда ватанпарварлик руҳини шакллантириш асосий вазифаларнидан биринга айланган.

Жорий йилнинг 3-17 август кунлари ўтказиладиган V Халқаро армия ўйинлари «АрМИ—2019» мусобакасинин иштирокчиси ва мезбонлари сафида эканнимиз хам бу борадаги саёй-харакатларимиз самараси сифатида кўршимиз мумкин.

Хўш, танловдан кўзланган асосий мақсад нима? Тайёр гарлик ишлари кандай олиб борилмоқда? Ҳарбийларимиз салоҳияти талаб даражасидами? Шу хақда тўликрок маълумот олиш массада Мудофаа вазирлиги ахборот ва коммуникациялар департаменти бўлими бошлиги Ахор Очновга мурожаат килдик.

**Муносабатлар ривожланади, ҳамкорлик мустаҳкамланади**

— Халқаро армия ўйинлари турили давлатлар Куролли

кучларининг бўлинма ва жамоалари ўргасида спортнинг ҳарбий-амалий турлари бўйича ўтказиладиган комплекс мусобака хисобланади, — деди Ахор Очилов. — Ўйинларнинг асосий максади давлатлар ўргасида ҳалкаро ҳарбий ҳамкорликни мустаҳкамлаш, тинчлик ва ҳамжиҳатлик йўлидаги ишончи муносабатларни ривожлантиришдан иборат. Қолаверса, касбий маҳоратни такомиллаштириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда ҳарбий хизмат нуфузини ошириш ҳам кўзда тутилган.

2018 йилнинг октябрь ойида Россия Федерациясида 2019 йилги ҳалқаро армия ўйинларига тайёр гарлик бўйича ўтказилган хизмат ийниши давомида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳам мусобакага мезбонлик килиши тайёр эканини билдирган эди. Шунга кўра, бу ишларни марта Жиззах вилоятининг «Фориш» тоғ

уларнинг қизиқишиларини рагбатлантиришга қаратилган. Шунингдек, ҳарбий шифокорларнинг жанг майдонида ярадорларни қидириш, жамлаш ҳамда жанг майдонидан олиб чикиш, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича дала кўнингларни ҳам синовдан ўтказилади. Бу мутахассисларнинг ҳарбий-касбий фаолиятидаги жисмоний ва ахлоқий-рухий тайёр гарлигини оширишга хизмат килиди.

«Ҳарбий-тиббий эстафета» индивидуал маҳорат ва жамоа биринчилиги боскичларидан бўлиб ўтади. Мусобакада Куролли кучларининг қўшиналари бўғинида 40 ёшдан ошмаган, 6 ойдан кам бўлмаган муддат давомида тиббиёт лавозимларида хиз-

мат ташкил этилган. 12 та вилоят, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри мамлакатимиз меҳмонларига миллий айнана ва удумлари, асрлар давомида сакланиб келинаётган тарихий меросларимизни намойиш килмоқда.

4 август куни юртимизда очилиш маросими бўлиб ўтадиган V Халқаро армия ўйинларида иштирок этиш учун биринчилардан бўлиб Вьетнам ҳарбий делегацияси этиб келди. Шунингдек, Мъянма давлатидан 17 нафар, Россия Федерациясидан 31 нафар, Арманистондан 18 нафар ҳамда Анголадан 9 нафар катнашчи «Фориш» тоғ полигонига келиб жойлашди.

## «Алабино»да сўнгги тайёр гарлик

V Халқаро армия ўйинларини 10 та давлат худудида ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унда 32 та йўналиш бўйича 85 давлатдан келган 6 мингдан ортик иштирокчи катнашади. Юртимиз ҳарбийлари мусобакасининг «Танк биатлони», Мерганилар марраси,

«Кўшин разведкаси аълоҷиличири», «Рембат», «Содик дўст», «Дала ошхонаси», «Ханғиз маршрут», «Йўл патрули», «Артиллерия отиш устаси», «Куролисиз уста», «Ҳарбий раили», «Мусаффо осмон», «Эльбрус халласи», «Ҳарбий-тиббий эстафета» каби 14 та йўналишлар бўйича иштирок этади. Шу массада Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчилирдан иборат Ўзбекистон жамоаси Халқаро армия ўйинларининг Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган мусобакаларида иштирок этиш учун белгиланган манзилга этиб боришиди.

Айни замонда ҳамюртларимиз Москва вилоятидаги «Алабино» дала-ўкув майдонида «Танк биатлони» ва

## Дарвоже...

I Ҳалқаро армия ўйинлари «АрМИ—2015» 2015 йилнинг 1-15 август кунлари Россия Федерациясида ўтказилган.

II Ҳалқаро армия ўйинлари «АрМИ—2016» 2016 йилнинг 30 июндан 13 августига Россия Федерациясида ўтказилинган.

III Ҳалқаро армия ўйинлари «АрМИ—2017» 2017 йилнинг 29 июндан 12 августига 5 та давлат (Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Қозогистон) ҳудудларида ўтказилган.

IV Ҳалқаро армия ўйинлари «АрМИ—2018» 2018 йилнинг 28 июндан 11 августига 7 та давлат (Россия, Озарбайжон, Беларусь, Хитой, Қозогистон) ҳудудларида ўтказилган.

V Ҳалқаро армия ўйинлари «АрМИ—2019» 2019 йилнинг 3-августдан 17 августига қадар 10 та мамлакат (Россия, Хитой, Қозогистон, Ўзбекистон, Эрон, Озарбайжон, Арманистон, Хиндистон, Беларусь, Мұғалистан)да бўлиб ўтади.

«Дала ошхонаси» мусобакасига сўнгги тайёр гарларни машғулотларни олиб боришимоқда. Ҳарбийларимиз мусобака ўтказиладиган ўкув жойлари билан яқиндан танишиб, шартлар бўйича пухта тайёр гарлик кўришмоқда. Ҳар бир давлатнинг дала-ўкув майдони бир-биридан маълум маънода фарқ қилиши табий. Шу боис мамлакатимиз шарофини химоя килаётган ҳарбий хизматчилир дала-ўкув майдонининг мусобака бўлиб ўтадиган ҳар бир нуктаси билан яқиндан танишиб чиқмоқда. «Танк биатлони» мусобакасида ил бор иштирок этадиган ҳамюртларимиз 13 та жамоа билан куч синашади.

Бизга спорчиларимиз эришган ютуклардан гурулраниш хиссаси жуда ташни. Ҳамюртларимизни жаҳон шоҳсупасининг олий ўриналарида кўриш жуда ёқимли, шундай эмасми?! Умид киласиз, ақлий салоҳияти ва жисмоний имкониятлар борасида ҳарбийларимиз ҳам улардан ортда колмайди. Зоро, юрт ўғлонларининг эришган ҳар бир ютуғи эртаги тинч ва фаровон кунларга ишончимизни янада оширади.

«Mahalla» мухабирини  
Шахноза РАҲИМХЎЈАЕВА  
ёзиб олди.



полигони базасида V Халқаро армия ўйинларининг «Ҳарбий-тиббий эстафета» боскичи ўтказилади. Унда 12 та давлатдан 211 нафар ҳарбий иштирок этади. Карийб 10000 гектардан иборат бўлган полигон ҳудудида пухта тайёр гарлик кўрилган. Спорт заллари, стадион, бассейн, ошхона, ёткокхона, меҳмонхоналар шай холатта келтирилган.

## Ҳарбий шифокорлар учун тажриба мактаби

«Ҳарбий-тиббий эстафета» йўналиши тиббиёт ходимларининг ҳарбий назарий билимларини чуқурлаштириш ҳамда бўлинмалар жанговар ҳаракатларининг тиббий таъминотини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича амалий кўнингларни ошириш,

мат ўтаётган контракт асосидаги ҳарбий хизматчилир, ўтара ва кичик тиббиёт ходимлари ҳамда ҳарбий-тиббиёт билим юртларининг курсантлари иштирок этади.


## Ҳам саёҳат, ҳам маҳорат

Жиззах вилоятида ҳарбий эстафета «Фориш» тоғ полигони «АрМИ—2019» доирасида ўтказиладиган «Ҳарбий-тиббий эстафета» мусобакаси иштирокчиларини кутиб олмоқда. Ҳалқаро армия ўйинларининг Россия Федерациясида бўлиб ўтадиган мусобакаларида иштирок этиш учун белгиланган манзилга этиб боришиди.

Айни замонда ҳамюртларимиз Москва вилоятидаги «Алабино» дала-ўкув майдонида «Танк биатлони» ва



Турин политехника университетида «Автомобиль инженеринги» йўналиши таъсис этилади.



# «Аслида тортинчоқ бўлсам-да, рингда ундай қилолмайман»

ДЕЙДИ «РИО — 2016» ОЛИМПИАДАСИ СОВРИНДОРИ, ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ ФИНАЛЧИСИ, ОСИЁ ЧЕМПИОНИ МУРОДЖОН АҲМАДАЛИЕВ

Шаҳрам Фиёсов, Шоҳжоҳон Эргашев, Муроджон Аҳмадалиев, Исройл Мадримов, Баҳодир Жалолов, Бектемир Мелиқзине...

Ушбу исм-фамилиялар келтирилган жоюда хеч кандай ортичка изоҳга, таърифу тавсифга хожат колмайди. Кейинги иккни-уч ийл ичида уларни юртимизнинг етти яшаридан етмиши яшаригача, дунёнинг эса бокс оламига шайдо бўлган жамики ахолиси яхши таниди. Танигина колмай, муҳлислин киласди, яхши кўради. Кичик жуссали, лекин спортчиларга хос комат ва катъиятга эга Муроджон Аҳмадалиев эса аллақачон кўпчиликнинг севимли спортчигига айланган.

## Кўча футболидан — бокс рингигача

— Беш-олти яшар бола эдим, — дейди Муроджон «Боксга қандай қизиқдиниз?» деган саволимизга жавобан. — Махалламиз кўчасида ҳар куни футбол ўйнардик. Жамоасиз — шу кўчада яшовчи оиласар фарзандлари. Улар орасида тенедошларидан тортиб, ёши бирор кунтагаргача бор. Баъзи кунлари кўшини маҳаллага бориб, маглубият азобини татиб келардик. Агар ютиб қолсан, ўйн якуни муштлашиб билан түзарди. Аниқ ёдимда қолгани, буз футбол ўйнаётган паллада елкасига чарм кўлжон ташлаб оғсан, мен тенени Алишер исмли юйинимиз бокс тўзгаришга қатнирадик. Бир неча марта унинг ортидан ҳавас билан қараб қолганиман. Кейин ота-онаими қистайвир, розиликларни олгач, мен ҳам шу тўзгарак аъзоси бўлдим.


## Эмас осон бу майдон ичра турмок...

Муроджон билан илк бор 2015 йили Намангандга ўтказилган катта тадбирда учрашгандик. Ўшанда у Катарнинг Доҳа шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XVIII жаҳон чемпионатида кумуш медални кўлга киритиди, Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳри мезбонлик киладиган ёзги Олимпия ўйинлари йўлланмасига сазовор бўлган эди. Шу муносабат билан вилоят ҳокимлиги томонидан шарафланни маросими ўтказилди. Ёш спорти кўрсатилалётган ётибордан бирор хижоят чеккандек, камтарона, яъни тортинибигина тургани кўз ўнгимдан кетмайди. Тадбир

ниҳоясида Муроджоннинг гапи киска бўлганди: «Доҳадаги мусобакада 56 килограмм вазнда рингта чикиб, финалгача барча рақибларимни енгдим. Бу галаба, ўз навбатида, мен учун Олимпия ўйинларига йўл очди. Айни пайдада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтидаги ўқиш билан бирга, спорт оламининг энг нуфузли мусобакасида кучи рақиблар билан кечадиган баҳаларга жийдик тайёрларик кўрятмай. Насиб этса, халқимиз ишончини оқлаб, Ватанимизга Олимпиада голиби сифатидаги кайтишина мақсад килганиман. Рингда хозиригиде тортинчоқлик килиб ўтирайман. Шунчалик иззату икромга яраша олимпиададан, албатта, медаль билан кайтишим шарт».

Рости, Олимпиада кунлари «Спорт» телеканали орқали Рио де-Жанейброн олиб кўрсатилган жони эфирдан намангандар ишончлар кўз узизимади. Ахир, иктидорли фарзанд — Муроджон Аҳмадалиев ишончини оқлашга вайда берган-да. Ва ниҳоят, бронза нақд бўлган кунине Аҳмадалиевлар хонадони тўйхонага ўшраб колди. Муҳлислар, ҳамюрлар, кўйинг-чи, Чустга зиёрат учун келган меҳмонлар хам исталган вактда сўраб келаверишиди. Боиси Аҳмадалиевлар хонадони салкам икки ярим минг ўйлилар тарихига эга Чуст шаҳрининг кок марказида, «Сероб» маҳалла фуқаролар йигинидаги кўхна Камарсада кўчасида жойлашган.

— Азалдан ҳунармандлар маҳалласи саналмиши «Сероб»да спортичлар сероб, — дейди фуқаролар йигини раиси Ҳасан Абдувалиев. — Ҳозир маҳалла мазнинги кексан ёши, умуман, ким билан сўхбатлашсангиз, албатта, хурсандчилигини изкор этишдан зарчамалди. Ахир, Муроджон кўз ўнгимизда катта бўлсан, маҳалла мазнинги умиди, иктидорли ўлонларидан. Шу боис маҳаллада яшовчи тўрт мингга яхши аҳолининг барчаси унинг бобоси Азимжон Фаёзов, отаси Каҳҳоржон ака ва онаси Ойшахон опалардан кам сурурганинг маълти. Яна бир ишончлар гапни айтай. Келгуси олимпиадада ютук, албатта, олтин медаль бўлади. Чунки Муроджон болалигидан, боксга илк



Катта ўтган қўниларидан фақат шу мақсад учун курашади.

Жаҳон спорти муҳлислари эътиборини мустақил Ўзбекистонга қарашада спортичларимиз сафида Намангандаги тарихига зарҳал ҳарфлар билан номини ёзига муносаби хизмат қилган Олимпиада шиитрокчиси, бокс бўйича бронза медали соврингдори ҳамюртимиз, чустлик Муроджон Аҳмадалиевнинг борлиги барчамизнинг қалбимизга олам-олам қувонч, юқсан гурӯр ва ифтҳор баҳшида этди.

## Ота-она — қўш қанот

1994 йилда Намангандаги вилоятининг Чуст туманида туғилган Муроджоннинг спортич бўлиши орзуси рўёбга чикишига навқирон авлоднинг ҳар томонидама баркамол улгайини ўйлида яратилётган кенг шаронт ва имкониятлар мустахам замин бўлди. Олимпиада соврингдорининг отаси Каҳҳоржон ака мактабда ўтганда жисмоний маданиятдан дарс берган. Ўйлида спортга меҳр ўйнотган ва уни бокс билан мунтазам шугулланишга дайвает этган хам отаси. Онаси Ойшахон опа Фаёзова физика фанидан сабок берган Муроджонда ҳар кандай вазиятда ҳам чекинмаслик, метин иродали бўлиши хислатини тарбиялаганди.

— Адаимасам, Муроджон эндиғина боксга қатни бошлаган даврларда телевизорда Элизод Расуловнинг жансини биргаликда томошса қолдик, — дейди Ойшахон опа. — Бутун мамлакат кўз тикиб турган жансиглардан бири эди. Шундай кутимизаган ҳолат юз берди: Элизоддинг кўли синиб қолди.

Лекин у бутун жон-жасади билан учрашуни давом эттириди ва якунда ёлиб чиқди. Шу кунни Муроджоннинг дунёқарасида ҳам катта ўзгариши юз берди. Туни билан ухламай чиқди. Эрталаб айтган гапи шу бўлди:

«Онажон, мен ҳам Ватан шарофини ана шундай матонот билан ҳимоя қиласман!» Ҳозиргача шу вадосида турибди.

## Хушхабар устига хушхабар

Муроджон Аҳмадалиев ўтган йилдан катта бокс оламига кадам кўйди. Айни пайдада у профессионал бокснинг ярим сенгил (-55, 34 кг.) вазн тоғифасида зафарли юришларини давом эттироқда. Мана, унинг фоалиятига доир ОАВдаги хушхабарлардан бири:

«Профессионал боксда мамлакатимиз шарофини ҳимоя қиётеган Муроджон Аҳмадалиев ўзининг ишқинчи жансигда америкалик Жорж Руизга қарши рақобатидан бири:

«Нью-Йоркда ўтган беглашув б 6 раунд давом этди. Метин ҳимоя ва кучи зарбага эга бўлган Муроджон сўнгги раундда рақибида бир қатор зарбалар ўйлади. Боксчимизнинг зарбаларида чора топа олмаган Жорж нокаутга учради.

Шу тарпица Муроджон Аҳмадалиев иккинчи жансигда ҳам муддатидан аввал галаба қозонди».

Навбатдаги хушхабар эса ундан ҳам кувончили:

«Олимпиада ва жаҳон чемпионати соврингдори, бугунги кунда профессионал рингда фоалиятини давом эттираёт-

ган боксчимиз Муроджон Аҳмадалиев бугун АҚШда ўзининг тўртмичи жансиги ўтказди.

Ҳамюртимиз ушбу беллашува-да чилик Рамон Контеррасага қарши жсанг қилди. Кувонариши, 10 раундга мўлжалланган жансини биринчи раундиде ёқ ҳамюртимиз рақибини нокаутга учратди ва жансиги ўз фойдасига ҳал қилди.

Ушбу галаба орқали Муроджон WBA InterContinental кама-ри соҳибига айланди.

Муҳлисларнинг қалбини тўл-килантрируви яна бар майумот: Муроджон Аҳмадалиев ҳозирга қалар профессионал рингда олтига жанг ўтказиб, уларнинг барчасида галаба қозонган Жангларининг бештасида эса у рақибларни муддатидан олдин мағлубиятга, яъни нокаутта учратган.

## Асосий жанглар ҳали олдинда...

Муроджон шу кунларда ҳам Америкада. Ҳар куниг машғуллар орасида, албатта, уйига, ста-онасига кўнгироқ киласди. Иктидорли боксчимиз онаси эса уззукни кўл телефонини ёнидан кўймайди.

— Ўлем сентябрь ойидаги наебатдаги галаба учун рингга кўтарилади, — дейди Ойшахон опа қатни билан. — Унинг бу гапи рақиби иккни карра жасадон чемпиони Роман Даниел бўлиши кутимизоқда. Ҳозир машемуптлар қатни тартибда давом эттироқда. Елкасига масульиятни сезиб турибди. Энди у менингига эмас, маҳалланинг, бутун Ўзбекистонимизнинг Муроджонига айлансан. Шундай фарзанд тарбиялаганимдан фарҳланаман.

Дарҳакикат, уста хунармандлари билан танилган кўхна ва ҳамиши навқирон Чуст туманини жаҳон чемпиони Севара Қодирова стол тенинси бўйича спортичлар дини сифатида танингда бўлса, бутун Муроджон Аҳмадалиев тартибидан аввал галаба қозонлашилган. Бу шарафли юришларда унга омада ва зафарлар тилаймиз.

**Илхомжон РАҲМАТОВ**  
«Mahalla»

Эркин курашчимиз Умиджон Жалолов жаҳон чемпионлигини қўлга киритди.



# Зиёратгоҳ сайёхлар ташрифига тайёрми?

САЪД ИБН АБУ ВАҚКОС МОЗОРИНИ ТАВОФ  
ҚИЛУВЧИЛАР ЧИҚИНДИЛАРНИ ДУЧ КЕЛГАН  
ЖОЙЛАРГА ТАШЛАБ КЕТИШМОҚДА

Қадимги Жиззах ҳақида гап кеттүдек бўлса, одатда, кўпчиликнинг кўз ўнгидаги бундан тўрт ярим минг йил аввали «Сайқонсой қоятошлари»даги суратлар, энди қадимги одамлар яшагани тахмин этилаётган. Пешағор гори ва икки-икки ярим минг йиллик тарихга эга Мозорсой ёдгорликлари гавдаланади. Қадимги манбаларда қайд этилган Газа, Ҳаракана, Зомин, Собот, Мик, Марсманда каби кўхна қалъя ва шаҳарлар номи ҳам ортдошларимиз томонидан фарҳ билан тилга олинади.



— Зиёратгоҳ сабиқ шўро давлати даврида машландиқ ҳолга келиб қолганди, — дейиши Саъд ибн Абу Вақкос зиёратгоҳи раҳбари Ҳабибула Мамасониев. — Бегоналарни кўя туринг, шатто ҳамкини локларимиз ҳам бу табаррук масканга кўрка-писа келиб кетишарди. Кечагидек ёдимда, кўл атрофида биргина тол ва бир тул эжисда бўларди. Давлат ва жамоат арабби Шароф Рашидов 1967 йилда зиёратгоҳга ташrif буюорди. Кўл атрофида дөв-дараҳтлар ўтқазиб, зиёратчilar учун олиси масканни ташкил этишини маслаҳат берди. Ўзи ҳам бир тул чинор ўтқазди.

Шундан сўнг зиёратгоҳ атрофида турли манзаралари, мевали даражат кўчалтлари қадалди, ўйл қурилди. Бироқ сал ўтмай юкоридан бўйруқ бўлдиши, барча ишлар тұхтаб қолди. Қачонки, мамлакатимиз мустақиллуга эришгач, юртимиздаги тарихий обидаларга муносабат ҳам буткул ўзгарди. Ҳуқуматимиз томонидан маданий мерос обьектарини муҳофаза қилиши ва улардан фойдаланнишни янада тақомиллаштириш чоралари кўрилди.

Шу тарикга Саъд ибн Абу Вақкос зиёратгоҳи ҳам ёзсал ва фусункор манзара касб этди.

Саъд ибн Абу Вақкос милюд 587 йилда Арабистоннинг Макка шаҳрида тавалуд топган, миллати араб. Пайғамбаримиз билан бир даврда яшаган Саъд 19 ёшида исломни кабул қилган. У «жаннатийлардан» деб башорат килинган 10 нафар саҳобанинг бири. Саъд ибн Абу Вақкос жуда кучли камончи эди.

— Саъд ибн Абу Вақкос



на замон талабларига мослаштирилди. Тарихий манбаларда қайд этилишича, масжид биноси XIX асрда ўз даврининг мөхир бинокорлари — жиззахлик уста Комил, уста Қобил, уста Зухур ва уста Мирзиёлар томонидан бунёд этилган.

Масжид шаркона мөъморчилик услубида қурильгани билан ҳар қандай зиёратчининг зытиборини ўзига тортади. Бино деворларидаги ганҷкорлик ишлари ўта маҳорат билан бажарилган. Унинг шифтидаги ранго-ранг накшлар бир пайтлар мөхир наккоси сифатида донг тарраган Мирзо Зонд ва уста Бобожонлар меҳнати маҳсулни экани мутахассислар томонидан зытироғ этилади. Нақшу нигорлар бутунгача ўз охорини ўйқотмаган.

## Саъд ибн Абу Вақкос ким эди?

Саъд ибн Абу Вақкос милюд 587 йилда Арабистоннинг Макка шаҳрида тавалуд топган, миллати араб. Пайғамбаримиз билан бир даврда яшаган Саъд 19 ёшида исломни кабул қилган. У «жаннатийлардан» деб башорат килинган 10 нафар саҳобанинг бири. Саъд ибн Абу Вақкос жуда кучли камончи эди.

Жиззах вилояти хокимлигининг доимий зиётибари, саҳоватпеша кишиларининг хайр-эҳсонлари ва саъй-ҳаракатлари туфайли зиёратгоҳ кайта таъмирланди. Кўл атрофи тартибга келтирилиб, кенг кўллами ободонлаштиришни ишлари амалга оширилди. Бутун зиёратгоҳ Жиззах воҳасидаги энг сўлим ва обод масканлардан бирига айланди.

Саъд ибн Абу Вақкос зиёратгоҳининг пастки кисмida ҳам ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари уддаланди. Қадамжодаги масжид ва хилхонлар зиёратгоҳга ташrif буюраётганлар зиётиборини тортиди.

орасида турли афсона ва ривоятлар таркалган.

Бир бармоқдан ажралиш Саъд ибн Абу Вақкоснинг соғлиғига таъсир этимайди. У кейинчалик Арабистонга кайтиб кетиб, узок умр кўради. Милюдий 676 йилда 87 ёшида Мадина шаҳрида вафот этади. Саҳоба жасади Бакъи кабристонига кўйилган.

## Шароит бор, аммо...

Бугун мамлакатимизда тарихий обидалар, зиёратгоҳлар ва қадамжоларда ахолига ҳамда сайёхларга хизмат кўрсатиши янада яхшилаш чоралари кўриляпти. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Жиззах вилояти худудида бутунгичунда жами 372 та маданий мерос обьекти, 42 та тарихий обида ва мукаддас зиёратгоҳ, 267 та археологик манзилот, 63 та монументал ёдгорлик бўлиб, Мухаммад алайхиссалом пайғамбарлик қўлган пайтода навқорон ўзиги эди. Пайғамбар алайхиссалом даъватлари билан ислом динига кирди ва кенинчалик мөхир саркарда бўлғиб этишиди. Тарихий манбаларда қайд этилишича. Расулулоҳ: «Ота-онам сенга фидо бўлсин, эй Саъд», дейсан гандарда кўрсатган жасоратига юксак баҳо берган.

У зот хижратнинг 16-йили халифа Умар ибн Хаттобининг Форс ва Моварооннаҳр ўлкаларига бораған кўшинига лашкарбоши этиб тайинланади. Ҳозирги Жиззах вилоятининг Галлаорол туманидаги Авалиё кишилорига якинида ўтган жангда лашкарбоши яланради, жимжилоги узилиб тушади. Саркарданинг жимжилоги кишилордаги кабристонга кўмилади.

Халқ орасидан тилдан-тилга ўтиб юрувчи афсоналарга караганда, саркарда Саъд ибн Абу Вақкоснинг жанг давомимида жимжилогини килич кесиб кетини натижасида кон тўкилган жойларда Аллоҳнинг амри билан булоқлар пайдо бўлган. Бу булоқлар ҳақида халқимиз

— Қадим тариха эга бўлган Галлаорол тумани ҳам ўзининг мукаддас қадамжолари билан сайёхларни ўзига жалоб этиб келмоқда, — дейиши Туризми ривожлантириши давлат қўмитаси Жиззах вилояти бошқармаси бошилиги Лола Санаева. — Туманда 56 та маданий мерос обьектлари рўйхатга олинган. Улар орасида «Саъд ибн Абу Вақкос» зиёратгоҳи алоҳида ўрин тутади. Кўн ўйлиқ тарихга эга бу зиёратгоҳда туризми ривожлантириши чоралари кўриляпти. Аммо зиёратгоҳда сайёхлар учун яратилган шароитлар тўлиқ гигиена таҳабларига жавоб бермайди. Махаллий зиёратчиликнинг аксариятида зиёрат маданияти этишимайди. Улар чиқиндиларни дуч келган жойларга ташлаб кетишмоқда, бу эса зиёратгоҳини янада ифлослашишига олиб келмоқда.

Бугун зиёратгоҳ мавзумияти олдида мухим вазифа туриди. У ҳам бўлса, муборак қадамжолинг сайёхлик салоҳиятини янада оширишдан иборат. Шундай килинса, мукаддас қадамжо нафакат ортдошларимизнинг, балки хорижликларининг ҳам севимли масканига айланади.

Бекпўлат ТОҒАЕВ  
«Mahalla»

Муаллиф олган суратлар



Президент соврини учун белбоғли кураш бўйича Жаҳон чемпионати ўтказилади.

## СОЛИК

## Сиқилган газ нархи ошадими?

— Яқында автомобилларга күйілдігендегі сиқилган газ нархи ошиши ҳақыда әшитдік. Шу түртгімі?

Нуриддин ҲАЙДАРОВ,  
Фарғона шаҳри.



Акмал НАЗАРОВ,  
Давлат солик күмітаси матбуот хизметі мұтахассисі:

— Жорий йыл 24 июль күні Президенттің «Ақпаз солигі» төртиладын айрым маңсулот түрларини ішләп чыкашы ва реализация килишни тартыбға солишин янада тақомиллаштырыш чора-тадырларды түргисідағы фармони эълон қылышы. Унға күра, Давлат солик күмітаси ва Молия вазирлигининг 2019 йыл 15 августан сиқилган газны якундың иsteмчілігі реализация килишінде акциз солиги ставкасын 20 фойзде ошириши тақлиғи розилик берилді. Эндиллик сиқилган газнинг акциз солиги ставкасы 1 куб метр учун 435 сүмні ташкил етады.

Шуннингдек, жорий йыл 1 октябрдан алкогольди маңсулоттар акциз солиги ставкасы ўрта хисобда 10 фойзга, тамаки маңсулоттар акциз солиги ставкасы 20 фойзде оширилиши наazardа тутилмоқда.

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ

## Касал болага боғча пули тўланмайдими?

— Фарзандом аутизм билан оғринган. Әшиттимча, бундай касалларига болалар учун боғча пули тўланмас экан. Шу масалага ойдинлик киришсаныз.

Акбаржон ФОЗИЛОВ,  
Андижон вилояти.

Исматилла ТУРСУНХЎЖАЕВ,

Мактабгача таълим вазирлиги етакчи иктисадчи:

— Мавжуд ҳуқуқий ҳужжатларда мактабгача таълим мұсасасасыда тарбияланғанға учун ҳақ олинмайдын болалар рўйхати келтирилган. Жумладан, нутқидаги оғир нұксонлар (ринолалия, дудукланиш, болалар афазияси, рухий-нұтқий ривожланишида орқада колиши), әшиттимда оғир нұксонлар (II — IV дараражадаги карлик), кўришдаги оғир нұксонлар (кўзи қизлар, бир кўзи соккаси йўқлиги (анофталм), амблиопия ва ғилай бўлган заиф кўрадиганлар) билан касалланған болалар учун ҳақ тўланмайди.

Шуннингдек, таянч-харакатланишидаги нұксонлар (боши мия, бўйин, кўкрак кафаси, умуртка, бўғимлар ва оёклар операцияларининг барча турларидан кейинги ҳолати, бўйин, кўкрак кафаси, умуртканинг идиапатик деформациялари, кифоз, лордоз, кифосколиоз, оёқ панжалари фалажи, таянч-харакатланиши азоси ривожланиши аномалиялари, артрозоартиглар, остеохондропатия ва ҳоказолар) ҳам ҳақ тўламасликка асос бўлади.

Бундан ташкири, психик ривожланишидан орқада колиши, мурakkab нұксонлар, сил касалларининг илк кўриниш, шуннингдек, сил касалларидан кейинги тикиш даври.

Бундай болаларни боғча пулидан озод килиши тегиши тиббиёт мұсасасасининг маълумотномасига асосан амалга оширилади.

Аутизм касалларига психик нұксонлар турига кириши сабаби, бундай касалларига бўлган болалар давлат мактабгача таълим мұсасасасаларидан болалар таъминоти учун ота-она тўловидан озод этилади.



**МУАССИС:**  
ФУҚАРОЛАРНИНГ  
УЗИНӢ ҲОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ  
МУВОФИКЛАШТИРИШ БЎЙИЧА  
РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИ

MAHALLA - АДДАТ ТАҶОДЕД  
**Mahalla**

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ  
ГАЗЕТА

Ўзбекистон Матбуот ва  
ахборот агентлигига  
2017 йил 6 сентябрда  
0019 рақами билан  
кайта рўйхатта олинган.



## Меҳнат таътилига қаҷон чиқаман?

— Тұрмуш ўртогым вафот этгандың, бир нафар вояж етмаган фарзандым бор. Оиласави шароиттам туғайлы сентябрь ойда меҳнат таътилига чиқышим керак. Аммо йил бошида түзилген таътиллар жаевалыга кўра, мен дөкабрь ойда меҳнат таътилига чиқаман. Бу ҳолда қандай йўл тутишим керак?

Нигора САТТОРОВА,  
Тошкент шаҳри.



Хушнудбек  
ХУДОЙБЕРДИЕВ,  
хукукшунос:

— Мамлакатимизде меҳнат конунчилигига кўра, ўн тўрт ёшга тўлмаган битта ёки ўндан ортиқ болани (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон болани) тарбиялаётган

ёлғиз ота, ёлғиз онага (бева эркаклар, бева аёллар, никохдан ажрашганлар, ёлғиз оналарга) ва муддатли ҳарбий хизматтаги шаҳардларига, I ва II гурух ногиронларига, 1941-1945 йillardардаги Иккичини жаҳон уруши катнашчиларига ва имтиёзлари бўйича уларга тенгизширилган шахсларга, ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларга, таълим мұсасасаларда ишлаб чиқаришдан ажрашмаган ҳолда ўйқетганларга таътил уларнинг хошишига кўра ёзги ёки улар учун қулай бўлган боска вактда берилиши керак. Жамоа шартномасида яна боска ҳолатлар назарда тутилган бўлса, улар ҳам мазкур рўйхатта кириллади.

Агар жадвалда бўлгиланган вактдан бошқа пайдга да малинишинг ишлаб чиқаришга таъсири кўрсатмаса иш берувури аризанлизга кўл кўйишни керак. Ако ҳолда таътилингиз бошқа ходимнинг таътил пайти билан алмаштирилади.

## ХУКУК

## «Буза-буз»лар қайси ҳужжатга мувофиқ амалга ошириляпти?

— Маҳалламида кўча кенгайтирилиши мұносабати билан аҳоли уйлари «снос» қилинши — бузилиши ҳақида миши-мишилар тарқамоқда. Йўлни кенгайтириши учун аҳолига тегишили уйларни бузни мумкинми? Компенсация бизга қаҷон тўланиши керак?

Нодира КАРИМОВА,  
Марғилон шаҳри.



Севара  
ҮРИНБЕ-  
ВА, Адлия  
вазирлиги  
жамоатчи-  
лик билан  
алоқалар  
бўлими  
бошлиғи:

уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш, шуннингдек, ҳалкаро шартномалардан келиб чиқалин мақоубиятларни бажарни, фойдалари казилмалар конварни аниклаша ва казиб чиқариши максадида ер участкасини олиб кўйши ва уйлар, ишлаб чиқариши иморатларни бошқа иморатлар, иншоатларни бузиши ва дов-дарахтларни кўчириши тўргисидаги карорлар кабул килинини мумкин.

Автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронаутикация обьектлари ва авиа-техника марказлари, темир йўл транспорт обьектлари, кўприклар, метроилентлар, тоннеллар, энергетика тизими обьектлари ва электр узатиши тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият обьектлари, магистраль курувлар, ташкил килиши ва

муҳандислик-коммуникация тармоқларини куришда ҳам шундай йўл тутиши мумкин.

Бундан ташкири, аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари хисобидан обьектларни куриш бажарши, конунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти карорларида тўғридан тўзурда назарда тутилган бошқа ходарда ҳам шундай карор кабул килинади.

Ер участкаларини олиб кўйишида обьектларни бузишга кўчмас мулкнинг бозор кийматин ва олиб кўйинши сабаби мулкдорга етказилган зарар тўлиқ копланганидан кабул килинини мумкин.

Жисмоний ва юридик шахсларга ноконуний карор чиқарилиши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишил давлат органларининг бюджетдан ташкири маблағлари хисобидан копланади ва кейинчалик айбордор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

## КУРИЛИШ

## Терак экканга имтиёз бор

— Юртимиз ёғоч маҳсулотларини, «асосан, чет элдан импорт қиласи. Шу боси тез ўсуви Канада теракларини етишиштирмоқчиман. Импорт ўрнини қопловчи ёғочбон дарахтларни етишиштагларга имтиёзлар борми?

Нажмидин ҚЎШКОВ,  
Дангарга тумани.

Ботир ХОЖАБЕКОВ,  
«Ўзқурилишматериаллари» уюшмаси  
бошкарма бошлиғи:

— Жорий йилнинг 11 апрелида «Ёғоч

кириндили плиталар ва уларнинг мукобил турларини ишлаб чиқариши янада ривожлантариши бўйича чора-тадырлар тўргисидаги Вазирлар Махкамаси карори кабул килинган. Унга кўра, вилоят ҳокимлари тадбиркорларга терак ва павлония экиши учун балл болинети паст ерларни ажратиши виғасиҳ юқланган. Ёғочбон дарахтлар плантияларини ташкил этган тадбиркорлар 2022 йил 1 январтагача терак, павлония ва бошқа тез ўсуви ёғочбон дарахтлар экилган ер майдонлари учун ер солиги тўламайди.

Бош мұхаррир  
Бахтиёр  
АБДУСАТТОРОВ  
Нашр навбатчиси: С. Исматов  
Мұсаҳихлар: Н. Азимова,  
М. Назарова  
Навбатчи: Б. Бозидинов  
Дизайнерлар: Э. Муратов  
И. Болтаев  
Нашр кўрсаткичи: 148  
Газета таҳририят компютер марказида саҳифаланди ва оғсет усулида босилди.

«Шарқ» наширёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кӯчаси, 41-йд. Формати — А-3, 8 босма табоқ. 22 952 нусхада чоп этилди. Буюртма Г-845 Топширилди — 00:50